КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 12 ноябр | 45 (74)- сон


## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҚИРРАЛАРИ

**Президент Ислом Каримовнинг Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятларида бўлиши ва у ерларда сўзлаган нутқлари мустақил давлат сиёсатининг жуда кўп муҳим қирраларини намоён этмоқда.**

**Нутқлардан келиб чиқадиган улуғ сабоқ шундаки, давлат сиёсатида ҳеч бир нарсани майда деб бўлмайди. Ва умуман мустақил давлатнинг сиёсатида майда нарсаларнинг бўлиши мумкин эмас. Давлат сиёсати ҳамма нарсаларни эътиборда, ҳамма нарсаларни назар-нигоҳда, ҳамма нарсаларни малакали фикр билан чамалашни талаб қилади.**

**Хафсаласизлик, эътиборсизлик, уқувсизлик давлат сиёсатига жуда катта зарар келтиради.**

**Ўзбекистон Президентининг бутун диққат-эътибори, ўй-хаёли жамиятимиз ҳаётидан, халқ турмушидан, миллат шароитидан худди мана шу нарсаларни бутунлай суриб чиқаришга қаратилмоқда.**

### ДАВЛАТ СИЁСАТИДАН ЧЕТДА ТУРИШ МУМКИНМИ?

Ҳозирги замон шароитларида ким агар мен давлат сиёсатидан четдаман,бу сиёсат билан ишим йўқ, сиёсатни олиб борадиган ўз одамлари мажуд, мен сиёсатга, уларнинг ишига аралашмайман, фақат ўз ишимни биламан, деса, янглишади. Жуда бўлмаганда, ўзи ҳақидаги ҳақиқатни англамаган ёки бунга ўзи учун тўла ҳисоб бермаган бўлади.

Москва — Тошкент поездидан халлослаб бир аёл тушиб келяпти. Унинг икки қўлида қаппайган, ҳатто эркак одамнинг ҳам белини эзиб қўядиган оғир чамадон. Чамадонлар аёлнинг ўзидан катта ва аёлнинг ўзидан оғир. Лекин шунга қарамасдан у бўйнига яна бошқа учинчи қора сумкани ҳам илиб олган. Ҳеч ким унга қарамайди, у ҳам ҳеч кимга қарамайди. Унинг чеҳрасида аёллик сиёқи қолмаган. Дунё шу тобда унга шу юкдан иборат ва ташвиши поездан омонэсон юкини тушириб биринчи таксига етиб олишда. Хўб, бундай «урчуқ», аёлларни кўп кўргансиз. Сизга бунинг нимасини сўзлаб ўтираман. Лекин, қани айтинг-чи, мана шу аёл-ўзидан оғирроқ юкларни юртига ташиб келтираётган аёл давлат сиёсатидан четдамикин? Сиёсатимиз билан ҳеч иши-ҳуши йўқмикин? У ўзича ўзини сиёсатга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган одам деб билиши мумкин. Ташқаридан қараганда ҳам худди шундай кўринади.

Лекин табиатда ҳамма нарсалар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Кўз ўнгингизда учиб юрган зарра зум ўтмай бошқа бир заррага бориб қўшилади. Бир зарра икки, икки зарра уч ва шу тариқа Замин алайҳиссаломнинг ўзи ҳам фақат ва фақат зарралардан ҳосил бўлади. Ер қанчалик катта бўлмасин — у фақат зарра. Ва коинот қанчалар поёнсиз бўлмасин — ёлғиз зарралар ва уларнинг тинимсиз бирикувидан иборат. Жамият ҳам табиатнинг, табиатдаги азалий илоҳий қонуниятларнинг бир модели, холос. Жамият ҳам зарраларнинг ҳаракат фаолиятидан ташкил топади. Ўз зиммасига оғир, жуда оғир юкни кўтаришни олган бояги аёл бора-бора юртининг бир гўшасини обод қилади.Юртининг жуда кичик бўлса-да бир пучмоғини мол-товар билан тўлдиради. Шу товарлар кимларгадир жуда керак. Ва аёлнинг ўзи ҳам улардан андак наф олади, манфаатдор бўлади. Инсон сифатида тикланади. У ташиб кетаётгани йўқ. Ташиб келтираяпти. Вақти келар у топган-тутганини ўғил-қизининг компютери учун сарф қилар, тиллар ўрганиши,ихтисос орттириши учун замин яратар... сиз ҳозир нима деманг, бу аёлнинг захматларидан шундай натижа ҳосил бўлишига ишонаман. Ота-она қаттиқ тер тўкса, фарзандга дур қолади. Наслларига шода-шода марварид қолади.

Давлат сиёсатидан четда тургандек кўринган бир одамнинг ўзи учун қилаётган ғайрати ҳам давлат учун қилинаётган ғайратдир.

Ҳар бир одамнинг моддий-маънавий тикланиши — давлатнинг ҳам, миллатнинг ҳам тикланишига қўшилган улушдир. Ўзбеклар ҳа деган туяга мадор дейдилар. Лекин одамнинг ақл-идроки унга оғир меҳнатларни енгиллаштириш учун берилган. Одам ақл-идрокини яхши йўлга қўймаса, уни яхши, мукаммал таҳсил билан тарбият қилмаса, кўп куч сарф этиб оз натижага эришади. Одам ақлининг тарбияси ва парваришидан оғир ишлар енгил кўчади. «Кейс»ни кўринг, нима қиляпти! Америка ёки Исроил фермерларини кўринг нима қиляптилар. Гектаридан олтмиш центнерлаб пахта ундириб, яна даланинг ўзидан нари кетмай ҳам пахтани чигитидан айириб, ҳам уни шу ернинг ўзида тойлаб яна шу ернинг ўзида харидорига ўтказиб юборяпти. Уларга шунча-шунча пахта заводларию шунча-шунча пахта заводларининг хизматчиларию, яна шунча-шунча тоғ билан баробар хирмонлару ва уларнинг қимматли ишчи кучлари ортиқча экан. Хўб, нега биз пеш даладан чиққан пахтани шу ернинг ўзида пеш тойламаймиз? Чигитидан ажратмаймиз? Ахир Америкада пахтанинг бир неча ишини бирваракай бажарадиган ажойиб-ғаройиб машиналар борлигини билганимиз аллақачонлар эди-ку! Ўша ўта ақлли машиналар олида пахта заводлар эскирди, пахта хирмонлар ҳам эскирди. Бу пахта иш усуллари эллигинчи йилларнинг нариги чеккасида қолиб кетди. Ўзбек деҳқонининг ишини ҳеч камситадиган ўрни йўқ. Буни ҳатто хаёлга ҳам келтирмаймиз. Лекин Президентимиз айтганидек, иш услублари ва меҳнатнинг ўзи янгиланиб бормас экан, унумдорлик қийинчиликлар билан қўлга киради ва қийинчиликлар билан даладан чиқади. Андижоннинг иш тажрибалари, бир қатор туманлар, кўплаб хўжаликларнинг тажрибалари кўз ўнгимизда яққол намоён бўлиб турибди. Америка фермери қилган, қилаётган ишни ўзбек фермери ҳам қилади, қила олади! Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Фақат Президент ёниб-куйиб айтаётгандек,эски иш йўсинлари, усулларидан қутулайлик. Кўп куч сарфлаб кам натижага эга бўлишдан бутунлай халос бўлайлик. Ер иши — тинимсиз савод.Савод бўлмаса, ер ҳеч қачон одам боласига ўз кулфи-дилини очмайди. Очмаган ҳам!

Президент кейинги нутқларида, деҳқонлар билан учрашувларида, олим-уламолар билан суҳбатларида асл ҳодисалар ҳақида сўз юритмоқда. Чунончи уруғчилик. Уруғчилик — асл ва асос ҳодиса. Асл уруғчиликни йўлга мунтазам тарзда қўймай туриб яхши ҳосил кўтараман дейиш хомхаёл. Ер хомтамаларни кўтармайди. Ўзбекистонда уруғчилик сусайиб кетдими? ёки уруғчиликка маълум бир даврда эътибор бўлмадими? Ўзбекистонда уруғчилик ва ер илмининг заминдор мактаблари яратилган. Унда нега ҳар ернинг ўз холи-равишидан келиб чиққан ҳолда уруғ ташлаш, ерни озиқлантиришнинг илми, тажрибалари бузиляпти? Мана, газеталарнинг хабарларига қараганда, кўпгина ерларда кузги ўғитлаш ҳали эллик фойиз ҳам уддаланган эмас. Нега?

Чамаси, гап деҳқончилик билан боғлиқ соҳаларнинг бир-бирларига уйғун, мутаносиб ва муносиб ишлашларида. Олим — деҳқон — саноатчи — ҳоким бўғинлари ўртасида ҳар қандай шароитда уйғун, мутаносиб иш бориши зарур. Мен деҳқонга турли зарур асбоб-ускуна, ўғит ва бошқа зарур моддаларни етказиб берувчиларни ҳам саноатчилар ичига киритиб юбордим. Демак, мана шу тўрт-беш бўғиндан бирида агар заррача бўлсин хафсаласизлик, эътиборсизлик, ўзибўларчилик кайфияти ўрнашса, ўша заҳоти деҳқончилик оқсашга тушади. Қалбимизга, ким бўлмайлик, олимми, деҳқонми, давлат ходими — хафсаласизлик, беғайратлик аста уялаётган бўлса, дарҳол сергак тортайлик. Бонг урайлик. Президент нутқлари жамиятимиз учун шундай бонг каби жаранглаомқда. Хафсаласизлик — миллий манфааталарни бой бериш билан баробар. Бонгга жон қулоғимизни тутайлик. У яхши йўлга чақирмоқда.

**МУҲАРРИР**



*Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Белгия қироллигига расмий сафари бошланади. Тараққиётда Европанинг тожида турган бу бизга жуда ўхшайдиган мамлакат ва умуман Европа билан Ўзбекистон ўртасидаги равнақ отиб бораётган муносабатларнинг янада ривожланиб янги босқичга киришида бу тарихий сафар улкан аҳамият касб этади деб умид қиламиз.*



«Бухоротекст» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамиятининг илғор ип йигирувчилари (ўнгдан) Р. Саломова ва М. Мажидовалар иш пайтида

## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА



Яқинда бизнинг ёш давлатимиз мустақиллигининг 5 йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Қисқача фурсат ўтганига қарамасдан Республикамиз ҳуқуқий давлатлар қуриш йўлида каттагина қадамлар ташлади. Биз бунга АҚШнинг амалда қўлланилаётган ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлари билан танишгач, янада ишонч ҳосил қилдик.

Американинг Халқаро ривожланиш ташкилоти ҳамда Ўзбекистон республикаси Президенти қошидаги давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда бир ойлик амалиёт ташкил қилинган ва биз — суд ва прокуратура ходимлари уни Америка Қўшма Штатларида ўтдик. Шу давр давомида америкалик етук ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар (судя, прокурор ва ҳ.к.) сиёсий ва суд ҳокимияти тузилмалари ислоҳотчиларининг маърузаларини тингладик, махсус ҳуқуқий хизмат ва ҳар хил ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг вакиллари билан давра суҳбатларида қатнашдик.

Бундан ташқари, биз суд, прокуратура ҳамда адвокатура ишининг таркиби билан ҳам бевосита танишдик.

АҚШнинг пойтахти Вашингтонда бизни АҚШ Конгрессининг юридик департаментида, Олий судда ва Бош прокурори — юстиция вазири идорасида қабул қилишди. Бундан ташқари, АҚШда юқори нуфузга эга бўлган АҚШ ҳуқуқшуносларининг ассоциацияси, АҚШ судининг маъмурий офиси каби ташкилот раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди ва бу кечалар савол-жавоблар тарзида жуда кўнгилли ўтди.

Бизнинг ҳамма кўрганларимиз мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларга бошқа кўз билан қарашимизга ва маълум хулосалар чиқариб олишимизга асос бўлди. Албатта, бунда икки давлат тузилишининг фарқи назарда тутилганди.

Тан олиш керак, Америка Қўшма Штатлари ўзида ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуришнинг дастлабки пайтларидан жуда кўп ҳаракатлар қилгани шубҳасиздир. АҚШнинг таъминланган аҳолисида қонунларга итоат қилиш хислатининг юксак даражасига эришилган. Ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи хайрия ва ҳомийлик ташкилотларининг иш жараёнлари яхши йўлга қўйилган. Давлат ва ҳукумат суд ҳокимиятининг нуфузини ва обрўсини ошириш учун жуда катта эътибор беради ва бу давлат ғамхўрлиги солиқ тўловчилар ҳамда умуман аҳоли томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланади. Шу билан бирга, юқори қонун чиқарувчи хокимият суд ва прокурорларни танлаш ва тайёрлаш, уларнинг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш юзасидан самарали ва ҳаракатчан механизмни қўлламоқда.

Американинг жиноий ва фуқаролик суд ишларини кўриб чиқиш жараёни билан танишганда бир оз юзакилик кўзга ташланиши мумкин, чунки аниқ жиноий ёки фуқаролик ишини кўриб чиқиш борйўғи 10-15 дақиқа давом этиши ҳамда жиноий иш баёни, бор-йўғи 4-5 бетдан ошмаслиги бизни ҳайратга солди.

Бизнинг суд мажлисларимиз ҳафталаб, айрим маҳаллаларда ойлаб чўзилади. Жиноий ишлар баёни эса ўнлаб томлардан ташкил топади. Бу масалада, фикримча, меъёрни аниқлаш тўғри бўлар эди. Ҳақиқатан ҳам, инсон тақдири ҳал бўлаётганда барча ҳолатлар ва майда-чуйда нарсалар ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Аммо шу муҳим жараёнда ҳаддан ташқари юзакилик ёки аксинча ҳаддан ташқари эжакилаш ўринсиз деб ўйлайман. Ҳамма нарсада меъёрга риоя этган маъқул.

Америка суд тизимида бизга қараганда кўп ходимлар ишлайди. Масалан, АҚШнинг битта штатида 100 минг аҳолига ўртача олганда туққиз судя тўғри келади.

Ҳар бир судянинг штатида кўп сонли клерк, суд ижрочилари ва ёрдамчилар, шу жумладан, ишни кўриб чиқишга тайёрловчи ҳуқуқшунослар ва суд мазмунининг қисқача шарҳини ёзувчи ҳамда сўнг барча ҳужжатларни расмийлаштирувчи иш юритувчилар ишлайди. Кўрилаётган ишга тааллуқли бўлган қонунларни ва жиноят кодексининг моддасини танлаш билан судя штатида турувчи махсус ҳуқуқшунослар шуғулланади. Жоржия штатининг апелляция судида уч судяга ёрдам берувчи 120 ходим ишлайди, шу жумладан 60 таси — ишларни кўриб чиқишга тайёрловчи ва 35 таси-ишларнинг тайёргарлик даражасини ўрганувчи, иш мазмунининг асосий ҳолатларини кўрсатиб берувчи ҳамда улар бўйича хулосалар ёзувчи ҳуқуқшунослар.

**Давоми иккинчи бетда**

## «МТ»: воқеалар, хабарлар

### Туман бойлик

Биз ҳеч нарсага ўз соғлигимизга сингари бепарво муносабатда бўлмаймиз, дейди мутафаккирлардан бири.

Дарҳақиқат, шундай.

Яқинда чет элда бўлиб қайтган танишларимиздан бири у ерда ҳар куни тонг саҳарданоқ минг-минглаб турли ёшдаги кишилар истироҳат боғларида, спорт майдонларида чопиб юришини кўрганини ҳаяжонланиб айтиб бериб қолди. Қизиғи шундаки, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар қишлоқ жойларида аҳолининг асосий қисмини ташкил этар экан.

Хўш, бизда бу борада аҳвол қалай? Зеро, соғлом турмуш тарзи ичиш-чекиш сингари зарарли кўникмалардан нари юришгина эмас, балки мунтазам равишда жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланиш ҳам демакдир.

Шаҳарларимизда тонг саҳарда чопиб юрган миллатдошларимизни кам учратасиз. Шаҳарлардаки аҳвол шу экан, қишлоқларни гапирмаса ҳам бўлар.

Демак, энг ишончли, синалган йўл бу — спортни оммалаштириш, уни ҳаётимизга, турмуш тарзимизга кенг тадбиқ этишда.

Агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги йилларда республикамизда теннис жуда оммалашиб кетди. Кетма-кет ўтказилган Президент кубоги, «Челленжер» халқаро турнирлари, муайян соҳа вакиллари орасида ўтказилган мусобақалар ўз самарасини кўрсатмай қолмади, албатта.

Азалдан халқимизга суюкли спорт тури бўлган футбол ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг республикада футболни ривожлантириш тўғрисидаги махсус қароридан кейин бу борада ишлар анча илдамлашиб кетди. Таъбир жоиз бўлса, оддий ишқибозларнинг ўйингоҳларга тушиш жараёни тезлашди.

Туман бойлигимиз бўлган саломатлигимизни сақлашда, уни мустаҳкамлашда айниқса қишлоқ жойларида спортга алоҳида эътибор берилаётгани кишини қувонтиради. Бу эътиборнинг давлат миқёсида бўлаётгани ҳам диққатга сазовор. Ахир айни кунларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоиздан ошиқроғи нодавлат секторида яратилмоқда.

Шундай ғамхўрликлардан бири сифатида ўтган ойда Гулистон шаҳрида республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининнг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасини тилга олиш мумкин. Унда спортнинг кураш, енгил атлетика, шахмат-шашка, тош кўтариш, арқон тортиш, мини-футбол турлари бўйича беш юздан ортиқ қишлоқ меҳнаткашлари ўзаро куч синашдилар.

Яқинда, пахта йиғим-терим мавсуми тугаган заҳоти эса кўҳна Китоб шаҳрида футбол бўйича «Оқ олтин» Кубоги учун республика турнири ўтказилади. Унда Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятларнинг ғолиб жамоалари иштирок этишади. Қишлоқ хўжалик ходимлари нафақат далада, спорт ўйингоҳида ҳам куч синашадиган бу турнирни намунали ўтказиш учун нуфузли жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ташкилий қўмита кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.

### Никоҳ либослари

Ҳар бир миллатнинг фақат ўзига хос либосларидан тортиб тақинчоқларигача, уй жиҳозларидан тортиб урф-одатларигача бўлади.

Тошкент шаҳрида жойлашган «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти ҳар ўзбек хонадонида айрича қадр топадиган сўзаналар, палаклар, дўппи-чопонлар тикиладиган фабрикадир.

«Шарқ гули»нинг харидоргир маҳсулотлари корхонага ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имконини бермоқда. Яқинда «Шарқ гули» қошида никоҳ либослари тикишга мўлжалланган «Пан-Осиё» ўзбек-корейс қўшма корхонаси ишга тушди.

Махсус танлов асосида ишга олинаётган моҳир чеварлар тиккан олти турдаги никоҳ либосларидан юз элликка яқини ҳар ойда Кореяга юборилмоқда.

**Г. МУРОДАЛИЕВА**

### ПАРТИЯ РАЁСАТИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

Октябр ва ноябр ойларида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Раёсат йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Раёсатнинг келаётган ойларда адо этиладиган иш режалари, партия ички турмушини фаоллаштиришга доир бир қатор муҳим чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Партия Дастури, Устави, ҳужжатларини нашр этиш, янги аъзолик гувоҳномаларини чиқариш, Марказий ҳайъат иш-тартибини мукаммаллаштириш, унинг фаолиятига софдил, фидокор, Ватан ва Миллат манфаатлари йўлида собит кишиларни тортиш юзасидан фикрлашиб олинди.

### ТОШКЕНДА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ПАРТИЯСИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча туманларида Миллий тикланиш партиясининг туман ташкилотлари тузилмоқда. Чунончи, ўтган ҳафта Тошкентнинг Миробод, Бектемир, Собир Раҳимов, Шайхонтаҳур туманларида таъсис йиғинлари ўтиб, уларда туман ташкилотлари, уларнинг ҳайъатлари ва раислари сайланди. Йиғинларда мустақил давлатчилигимиз, жамиятимизнинг равнақи учун асос аҳамиятга эга миллий тикланиш ғояси, унинг мазмун-моҳияти, партиянинг мақсад ҳамда вазифалари ҳақида сўз борди. Туманларда партияга эл-юртнинг кўзга кўринган, ўз ҳалол меҳнати билан танилган кишилар етакчилик қилмоқдалар. Тошкент шаҳар партия ҳайъати яна бир қанча туманларда таъсис йиғилишларини режалаштирди.


**"Миллий тикланиш"га обуна бўлишни унутманг!**

**Обуна индексимиз:**
*якка шахслар учун 64618*
*ташкилотлар учун 64619*




## РАНГЛАР ЎЛМАЙДИ

Кимдир ҳаётда ранг чаплаш билан овора ва сарсон бўлиб юради. Кимдир ранглардан достонлар яратади. Ўтган ҳафта Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида бир-бирига ўхшамаган тўрт ажойиб рассомнинг катта кўргазмаси намойиши бўлди. Ортиқали Қозоқов, Владимир Ким, Юрий Стрелников, Зайниддин Фахруддинов асарлари ҳар бири ўзига хос бир олам. Уларни бир туйғу бирлаштириб ҳам туради. Бу Ўзбекистонга муҳаббат. Ана шу мислсиз муҳаббат рангларни достонларга айлантиради. Одам ҳар бир сурват олдида соатлаб тургинг келади. Хаёлинг ранглар товланишлари ичига кириб кетади.

Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг ажиб улуғ мактаблари яралмоқда. Кўз ўнгимизда рангларнинг даҳолари туғилмоқда.

Қандай ажиб олам бу — ранглар олами!

Одамнинг хаёли шунчалар парвоз қила олишига ақлингиз бовар қилмайди.

Лекин кўз ўнгингизда унсиз осилиб турган суratларга қарайсиз-да, ишонмоқдан ўзга иложингиз қолмайди.

Ўзбекистонда мустақил, эркин санъатнинг ҳақиқий равнақи балки мусаввирлардан бошланмоқда...

Сувратларни кўздан кечириб юрган Рўзи Чориев бирдан қаттиқ ҳаяжонга тушди ва:

— Ранглар ўлмайди! — деб нидо қилди.

Биз қўшилдик.





## Нодир сандиқ

# Қадимият жилғалари

Тил инсонга табиат инъом қилган бебаҳо, бетакрор ҳамда мисилсиз мўъжизадир. Биз тилдан фойдаланиб ўзаро алоқада бўламиз, эҳтиёжларимиз, фикримиз, истак ва хоҳишларимиз, қувонч ва қайғуларимизни, ижобий ва салбий муносабатларимизни, қўйингки, ҳар қандай ҳолатимизни тил ёрдамида, нутқ орқали ифода қиламиз. Биз бунга кўникиб кетганмиз. Шу сабабли тилга, нутқимизга кўп ҳам эътибор бераврмаймиз. Ҳолбуки, тил шунчаки алоқа қуроли эмас, балки тарихимиз, маданиятимиз, эътиқод ва мушоҳадаларимиз, ахлоқий, эстетик қарашларимизни ўзида мужассам қилган улкан, тенгсиз маънавий хазинадир. Бу хусусият аввало тилнинг луғавий бойлиги бўлмиш сўзларда кўринади. Сўзларни барча буюк мутафаккирлар жавоҳирларга — марварид ва дурларга қиёс қилишади. Ҳар бир тилнинг қанчалик бой ва серқирралиги, биринчи навбатда, мана шу сўз — дурларнинг миқдори билан белгиланади. Тилшунослар сўзларни икки улкан гуруҳга тасниф қилишлари маълум: **ТУРДОШ ОТЛАР ВА АТОҚЛИ ОТЛАР.** Турдош отлар борлиқнинг нарсалар, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни умумлаштириб, мужассамлаб атайди. Чунончи, тоғ сўзи ҳар қандай тоғнинг умумий номи, шунингдек, шаҳар, қишлоқ сўзлари ҳам ҳар қандай шаҳар ва қишлоқларнинг умумлашма, муштарак номидир.

Умумлаштириш, умумлашма мушоҳада юрита олиш инсон тафаккурининг улуғ мўъжизаси, фикрлаш тожидир. Бу, шубҳасиз, шундай. Аммо инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, табиатнинг серқирра сирларини била бориш қадимда инсон учун борлиқдаги якка нарсалар, объектлар, воқеа ва ҳодисаларни, ҳатто одамларнинг ўзини бир-биридан фарқлаш, алоҳида ажратиб аташ, яъни уларга ном бериш эҳтиёжини туғдирган. Натижада тилда жуда қадимий даврлардаёқ тилшунослар фанда атоқли отлар деб юритадиган сўзлар юзага кела бошлаган. Атоқли отлар алоҳида, якка ҳолда олинган нарсалар, жўғрофий объектлар, ҳодисалар учун берилган махсус номлардир. Агарда турдош отлар нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчани умумлаштириб, мужассамлаб атаса, атоқли отлар яккалаб, бир-биридан ажратиб фарқлаб атайди. **Дарё** сўзи ўзбек тилида ҳар қандай ва барча дарёларнинг умумий номидир, аммо Зарафшон, Сирдарё, Амударё, Оқдарё, Қорадарё, Қашқадарё, Сурхондарё сўзлари эса алоҳида дарёларнинг атоқли отларидир. Кўринадики, атоқли отларнинг асосий вазифаси бир турдаги нарсалар, жойлар, ўринларни бир-биридан фарқлаш, ажратишга хизмат қилишдир.

Атоқли отларнинг улкан қисмини ўзбек тилидаги топонимлар ташкил қилади. Топонимлар жойларнинг атоқли отларидир. Топонимлар ўзбек тилининг бетакрор, бебаҳо бойлиги. Ҳа, бир томондан луғавий бойлик, иккинчидан эса, уларда турли қимматли тарихий лисоний жуғрофий маълумотлар мужассамлашган.

Тилшунослар ҳозирга қадар Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона водийлари, шунингдек, Самарқанд, Жиззах, Сирдарёнинг айрим туманларидан, Тошкент шаҳри ҳудуди ва Тошкент вилоятининг баъзи туманларидан 50 мингга яқин топонимлар тўплашган. Булар ҳали фанда микротопонимлар деб юритилувчи йирик объектларнинг номлари, холос.

Микротопонимлар деб юритиладиган майда объектларнинг номлари етарли равишда синчиклаб тўпланган ва ўрганилган эмас. Ўзбек номшуносларидан бири фақатгина Бойсун тумани ҳудудидан 7 мингдан ортиқ микротопонимларни тўплашга муваффақ бўлган. Агарда Ўзбекистоннинг барча туманлари ҳудудидаги микротопонимлар синчиклаб тўпланса, уларнинг миқдори қанча бўлишини кўз олдингизга келтириб кўринг! Ўзбекистондаги биргина қишлоқ ва овулларнинг сони 15 мингдан ортиқдир. Уларнинг ҳар бири ўз мустақил атоқли отига эга. Пойтахтимиз Тошкентда 8 мингдан ортиқ катта ва кичик кўчалар бор ва уларнинг ҳар бири алоҳида номга эга.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий қалъалар, қўрғонлар, истеҳкомлар, карвонсаройлар, қароргоҳларнинг, масжидлар, мадрасалар, қабристонлар, тоғлар, тизмалар, чўққилар, қоялар, қирлар, тепалар, довонлар, сангирлар, адирлар, ўзаклар, яловлар, ўтлоқлар, чакалакзорлар, ўрмонзорлар, чангалзорлар, чеклар, қўриқлар, қўриқхонала , саҳролар, чўллар, даштлар, қумликлар, баъзи барханларнинг, жарлар, қирғоқлар, ўйиқлар, ўзаклар, кўллар, ҳовузлар, қудуқлар, сардобалар, булоқлар, ариқлар, каналлар, шаршаралар, ташламалар, дарёлар, сойлар, қумлоқлар, ўзанлар, тўғонлар, сув омборлар, ороллар, кўприклар, тегирмонлар, ғорлар, бошқа хил ер ости маконларининг ва ҳоказоларнинг атоқли отлари ҳозирга қадар етарли равишда махсус тўпланган ва ўрганилган эмас. Санаганларимиз атоқли отлар англатувчи объектларнинг бир қисми холос.

Ҳар қандай номнинг юзага келиши маълум сабаб ва асосларга эга. Тилда маъносиз ном йўқ. Унда жуда қадимий замонлардан кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-фалсафий қарашлари, эътиқодлари ва диний мушоҳадалари, ахлоқий, эстетик маданий-маънавий тасаввурлари атроф-муҳит ҳақидаги билимлари акс этади. Шу сабабли ўзбек тилидаги энг қадимий топонимларда кишиларнинг маълум жойларнинг табиий жуғрофий хусусиятлари ҳақида билган маълумотлари ифодаланганини кўрамиз. Булар жойнинг ўсимлик дунёси — Жийдабулоқ, Арчазор, Чилонзор, Мингтут, Яккатол, Шувоқли; ҳайвонот дунёси — Бўрихона, Бўриётоқ, Жайронхона, Бақабулоқ, Чумчуққўл, Чавоқликўл; объектнинг ҳажми миқдори — Учкўл, Еттиқудуқ, Еттисой, Олтиариқ, Бешариқ,Учариқ, Кенгдала, Етимбулоқ, Эгизбулоқ; кўриниш хусусиятлари — Бешпанжа, Оғзикент, Ичаксирт, Тумшуқчўққи, Туямўйин, Бешпанжа; ранги-туси — Оқсув, Қорасув, Сарисув, Олатоғ, Кўксув, Зилолбулоқ; жойлашиш ўрни — Чуқуровул, Тўбановул, Пастқишлоқ, Тепақишлоқ, Жарқишлоқ, Жаровул; ҳаракат хусусияти — Тезариқ, Югурик ариқ, Тентаксой, Жиннидарё, Тўпалангсой ва бошқалардан иборатдир.

Келтирган номлар объектнинг табиий жуғрофий хусусиятлари ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда ўша жойни осон топиш, унга адашмасдан бориш учун мўлжал (ориентир), табиий белги вазифасини ҳам ўтайди.

Топонимларнинг ўзига хос мўъжизаларидан бири шундаки, баъзи номлар ер ости бойликлари, заҳиралар таркиби ҳақида дарак бериб туради. Ўзбекистон геологлари олиб борган кўп йиллик кузатиш тажрибалари Тиллатоғ, Олтинтоғ, Олтинқозғон, Олтинтош, Зарҳок, Олтинтопган, Олтинсой, Олтинтепа, Зардала, Олтинлисой каби топонимлар ўша ерда олтин заҳиралари мавжудлигидан, Кумушкон, Кумушли номлари кумуш мавжудлигидан, Аччиқтош, Аччиқсув, Шўрсув, Шўрбулоқ номлари ўша жойдаги сув таркибида тузлар, олтингугурт борлигидан, Симоб, Мискон, Сурмакон топонимлари бу ерда симоб, мис, сурма борлигидан далолат беради. Қўтирбулоқ номи булоқ сувининг шифобахшлигига, Мойлисув, Мойлисой, Мойликўл номлари бу ерда нефт бўлиши эҳтимоллигига ишора қилади.

Қадимий даврларда бизнинг аждодларимиз ижод қилган номлар даврлар, замонлар ўтиши билан ўзгариб бойиб борган. Номларнинг ўзгаришига кишиларнинг турмуш тарзидаги, хўжалигидаги янгиликлар, одамларнинг дунёқараши, билими, диний-маънавий эътиқодидаги ўзига хосликлар, атроф борлиқдаги табиий воқеа-ҳодисалар, табиатдаги ўзгаришлар ва табиий офатлар, қўшни халқлар ва тилларнинг ўзаро таъсири, алоқалари, босқинчилик урушлари ва зўровонлик мафкураси сабабчи бўлган. Мана шундай жараёнда баъзи қадимий номлар барҳам топган, уларнинг ўрнини янги номлар эгаллаган. Ўзбекистондаги кўпгина шаҳарлар, қишлоқларнинг тарихда ўнглаб бошқа номларга эга бўлганининг сабаби мана шунда. Шунга қарамасдан, топонимларнинг асосий қисми қадимий, турғун номлардир. Бу номлар ўзбек халқининг ўтмиш аждодлари ҳаётидан дарак беради. Масалан, ҳозирги ўлкамиз ҳудудида ўтмишда қандай уруғ ва қабилалар, элатлар ва халқлар яшаганини, улар қайси ҳудудларда бўлгани ва кўчиб юрганини топонимлардан бемалол билиб олиш мумкин. Айрончи, Бахрин, Боёвут, Жалойир, Калтатой, Кенагас, Дўрмон, Лақай, Манғит, Минглар, Митан, Миришкор, Найман, Наймановул, Наймантепа, Сарткент, Саройқишлоқ, Турковул, Юзқишлоқ, Қипчоқовул, Авшар, Уйчи... каби номлар ўзбек халқи уруғ ва қабилалари ўтмишда яшаган ёки ҳозирда ҳам истиқомат қилиб турган қишлоқлар, овуллар, маконларининг атоқли отларидир.

Топонимлар Ўзбекистон ҳудудида қадимдан яшаб келаётган туркий элатлар, қабилалар ҳақида ҳам хабар беради: Туркмановул, Туркманариқ, Қозоқовул, Қозоқли, Қозоқдарё, Қозоқлик, Қирғизлар, Қирғизовул, Татарқишлоқ... Ўлкамиз топонимиясида баъзи қўшни халқлар (Тожик қишлоқ, Тожикмаҳалла, Афғонариқ), ёки босқинчилик йўли билан кириб келган ва кейинчалик ўзбеклашиб кетган халқлар (Арабхона, Арабариқ, Арабқишлоқ, Мўғултепа, Мўғлон, Мўғулкент) ҳақида дараклар ҳам ўз изини қолдирган.

Топонимлардан бирор бир ҳудудда яшаган этник гуруҳнинг тарихда ўтроқ ёки кўчманчи ҳаёт кечирганлигини ҳам билиб олиш мумкин. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўтроқ ва кўчманчи халқлар жойларга ном беришда фарқланар экан. Борди-ю, аҳоли ўтроқ бўлса, жойларни уларнинг табиий-жуғрофий хусусиятига қараб номлар экан, аксинча, борди-ю, аҳоли кўчманчи бўлса, жойни кўпинча ўз уруғ ва қабилаларининг номи билан аташар экан. Ўзбекистон ҳудудида уруғ ва қабила номлари билан аталган жойлар анчагина бўлиб, тадқиқотларнинг кўрсатишича, баъзи ҳудудлар топонимиясининг учдан икки қисмини мана шундай номлар ташкил қилади. Фанда бундай номлар моҳиятига мос равишда этнотопонимлар деб юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўлкамиз ҳудудидаги кўпгина топонимлар қадимий даврларда пайдо бўлган бўлиб, кўҳна тарихнинг оқ сочли маҳсулидир. Шу сабабли бу номлар дастлаб англатган маъноларни, бу топонимларга асос бўлган сўзларни аниқлаш осон бўлавермайди. Бу жиҳатдан, айниқса, ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқларининг номлари характерлидир. Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Хива, Хонқа, Урганч, Қува, Фарғона, Марғилон, Хоразм, Қўқон, Жиззах, Ургут, Термиз, Чиноз, Ғозғон, Пскент номларининг келиб чиқиши, маъноси ҳақида турли-туман фикрлар билдирилган, аммо уларнинг аксарияти ҳозирча фараз, илмий тахминлар ҳолатидадир. Бунга сабаб бу номлар ниҳоятда узоқ ўтмишларда яратилган ва улар маъносида бизнинг кўҳна тарихда қолиб кетган аждодларимизнинг фикру ўйлари ётибди, иккинчидан эса, бу номлар таркибида ҳозирда бизга номаълум бўлган баъзи ўлик тилларнинг лисоний унсурлари мавжуддир. Қайд қилинган номлар мана шу фазилати билан ҳам қимматлидир. Олимларнинг текширишларига қараганда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган кўҳна топонимлар таркибида: ўкуз (сув, дарё маъносида — ўкуз, Ўкузсой), будун (эл, халқ маъносида — ширбудун), ўр, ўра (тепалик, тоққа кўтарилиш жойи маъносида — Қашқаўр, Кичикўр, Ўратепа, Шодмонўр, Ўрасой), қоқ (кўлмак, кўлмак сув маъносида — Ойқоқ, Ойнақоқ), балиқ, балиғ (қалъа, қўрғон, шаҳар маъносида — Балиқчи, Бешбалиқ), ёзи (чўл, дашт маъносида — Оқёзи, Сариёзи, Қизилёзи), жўға (чуқур ариқ, сизоб сув оқадиган ариқ маъносида — Сарижўға, Қоражўға) — қадимий туркий тил элементлари; ёп (ариқ, канал маъносида — Уйғурёп, Янгиёп, Эскиёп) — қадимий хоразмий тил элементи, кат, кант, кент (қазилган ер, қишлоқ, шаҳар маъносида — Бешкент, Пскент, Заркент), руд (дарё маъносида — Кешруд, Шоҳруд, Қалқонруд, Хузарруд, Чағонруд, Рудак), жон (ирмоқ, жилға маъносида — Шержон, Мавжон), варг (тўғон, сув омбори маъносида — Варгсар,), хис, кас, қас (булоқ, ариқ, сой, ирмоқ маъносида — Танхас, Танқас), дак, даг (дарё, сой маъносида — Ховдак, Сангардак, Гумдах) — қадимий сўғд тили элементлари; вар, вур (қўрғон, қалъа маъносида — Вахшивар) — санскрит тили элементи; ком (катта ариқ, канал маъносида — Шопурком, Комизор), жўй, жўйбор (бош канал тармоғи, шаҳобчаси маъносида — Жўйбор, Жўяк), хон, хан, ханик (булоқ, булоқ суви тўпланган жой маъносида) — Хонарик, Хонтепа, Бандихон) — қадимий тил элементлари; ём, жом (бекат, алоқа станцияси маъносида — Жом, Жомбой, Ём, Ёмчи), той (кўп, мўл, эга маъносида) — мўғул тили элементлари мавжуддир. Шунингдек, ўлкамиз топонимлари таркибида қадимий хитой, ҳинд, юнон тилларига хос баъзи сўзлар, қўшимчалар ҳам бизгача етиб келган. Демак, топонимлар бизга маълум ёки номаълум бўлган қадимий тилларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида дарак берувчи, уларни ўзида сақлаб, замонлар оша асраб келаётган нодир сандиққа ўхшайди.

Топонимлар бизнинг ўтмиш аждодларимиз қадимларда ва яқин ўтмишда шуғулланган касб-корлар, деҳқончилик, чорвачилик соҳалари, уларнинг моддий-маданий турмуши ҳақида қимматли маълумотларни сўзлаб бера олади. Булар шаҳарлар, қишлоқлар, водийлар, қўрғонлар, қалъалар номида, айниқса маҳаллалар, гузарлар, мавзелар, кўчаларнинг номларида ёрқин ифодаланган. Мана уларнинг баъзи намуналари: Пичоқчилик, Темирчи, Темирчилик, Тақачи, Ўқчи, Кулолчи, Тандирчи, Бўзчи, Кигизчи, Буғдойчи, Кўмирчи, Карнайчи, Оҳакчи, Эгарчи, Таррачи, Дегрезлик, Наввойлик, Тароқчилик, Бахмалбоп, Бўйрабоп, Гиламбоп, Алачабоп, Гуручфуруш, Сўзангарон, Наққоши, Йўрмадўз ва б.

Топонимларнинг аксарияти ўта турғун, яшовчи ва кўҳна сўзлар эканлиги билан характланади. Масалан, ўлкамизни кўҳна шаҳари Бухоро ўзининг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Бу, албатта тарих учун оз муддат эмас. Лекин ўлкамизда Бухородан ҳам кексароқ, қадимийроқ маконлар бор. Абу Бакир Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий «Бухоро тарихи» асарида IX-XII асрларда Бухоро атрофида мавжуд бўлган қишлоқлар ҳақида шундай ёзади: «Ромтин (Ромитон). Бу катта бир кухнадизга эга ва мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир» ёки «Варахша... у Бухоро шаҳридан қадимийроқдир». (Бухоро тарихи. 1966, 23, 24-бетлар). Бундай маълумотларни кўҳна қўлёзмаларни варақлаб кўплаб келтириш мумкин. Шу сабабли ҳам олимлар инсониятнинг кўҳна тарихини ўрганишда топонимлар берувчи маълумотларни жуда ҳам қадрлашади. Таниқли немис тилшуноси Гримм «Халқларнинг кўҳна тарихи ҳақида дарак берувчи суяклар, тобутлар ва қуроллардан ҳам афзалроқ жонли восита, далил мавжуд — бу уларнинг тилидир», деган эди. Бу фикр худди тилдаги топонимлар ҳақида айтилгандек. Бошқа бир олим топонимларни «... ўта қадимий даврларда яшаган аждодларимиздан бизга дараклар келтирувчи элчилардир», деганида ниҳоятда ҳақлидир. Кўпгина топонимлар англатувчи маънолар ҳозирда биз учун қоронғудир. Ном қанча мураккаб, маъноси биз учун ҳозирда қанчалик тушунарсиз, номаълум бўлса, у шунчалик қадимий ва кўҳна сўздир. Унинг пайдо бўлиш илдизлари шунчалик ўта қадимий тарих замонлар қаърига кириб боради. Шу сабаб тадқиқотчилардан бири топонимларни қадимий замонлар қаъридан биз томон оқиб келган тарихнинг нодир жилғаларига ўхшатган эди. Дарҳақиқат, жой номлари тарихимиз, тилимиз, маданиятимизнинг оқ сочли жилғаларидир. Бу жилғалар ўтмишда, ўз оқими йўлида нималарга дучор бўлмаган дейсиз. Уларнинг йўлини тўсганлар, уларни қуритмоқчи бўлганлар, озмунчами? Қанчадан қанча чингизлар, чингизсиймолар, ажнабий зулмкорлар ўлкамизни топтаб, шаҳарларимиз, қишлоқларимизни неча бор вайрон қилиб, култепаларга айлантирди, уларнинг баъзиларидан ҳозирда кўҳна тепаликлар, қўрғонлар, вайронлар қолган, холос. Аммо улар номини йўқотиб бўлмади. Худди мисоли Афросиёбу Форобдек...

Афсуски, фотиҳлар, зулмкорлар маълум даражада мақсадларига эришган ҳам. Бир қатор қадимий топонимлар унутилиб, йўқолиб кетди, уларнинг ўрнини бошқа номлар эгаллади.

Бир қатор шаҳарлар, қишлоқлар ва бошқа жуғрофий объектларнинг номлари даврлар ўтиши билан ўзгариб, бошқача номланиб келгани ҳам мана шундан.

Шундай қилиб, жой номлари, бир томондан, маълум объектларнинг атоқли оти, жуда қадимий, кўҳна сўзлар бўлса, иккинчи томондан улар халқ тарихи, ўлканинг табиий-жўғрофий муҳити ҳақидаги қимматли хабарларни ўзида мужассам қилган тил бойлиги, нодир манба ҳамдир. Мана шундай номлар фанда тарихий-маданий аҳамиятга эга номлар деб юритилмоқда.

Тарихий номларда ифодаланган маълумотлар нафақат тарих ва тилшунослик учун балки этнография, археология, география, геология, геофизика, суғориш ва мелиорация, биология, ботаника, зоология, маданият ва дин тарихи фанлари учун ҳам ниҳоятда қимматлидир. Шу сабабли ҳам ҳозирда топонимларнинг халқ тарихи ва маданиятида тутган ўрни ва роли юксак баҳоланмоқда. Олимлар топонимларни бекорга «ернинг тили» дейишмайди. Бу тил ниҳоятда бой, сермаъно, сермазмун, серқирра ва қадимий тилдир. Таниқли рус олими ва публицисти Н. И. Надеждин «Ер — бу топонимлар ёрдамида инсоният тарихи битилган китобдир», деган эди. Бу нодир ва кўҳна китобнинг муаллифи ўтмиш аждодларимиз, халқимиздир.

Мана шу улуғ китоб ҳозирда ғамхўрликка, муҳофазага муҳтождир.

**Эрнест БЕГМАТОВ**



*Эл орасида*

# ОБИДАЛАР ТИЛИНИ ТОПГАН МЕЪМОР

Инсон учун дунёда яшашдан асл мақсад нима? Фарзанд кутиш, уни одоб-ахлоқ, иймон-эътиқодли қилиб тарбиялаб суюнишми? Ёки умрини илм-фан тараққиётига, ёхуд хайрли ишларга бутунлай бағишлашми?

Инсон борки, ҳаётида имкон қадар барча орзуларига эришиш учун интилади. Халқимиз орасида кўнгилнинг бу каби олий эҳтиёжини собитқадамлик билан амалга ошириб келаётган кишилар талайгина.

Ана шундай инсонлардан бири Самарқанд шаҳри Боғишамол тумани Усмон Юсупов маҳалласида истиқомат қилаётган уста меъмор Анвар ота Қулиевдир. Асли ота-боболари Бухорои шарифда таваллуд топишиб, сангтарошлик ва меъморлик билан машғул бўлишган. Ўз даврида тарихий обидаларни қайта таъмирлаш, бино ва иншоотларни тиклаш ишларида ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келишган. Анвар отанинг бу касбга меҳри ҳам, келажак орзуси ҳам ўз сулоласи билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

1940 йилнинг бошлари. Тошкентда икки йиллик бинокорлик ва меъморий обидаларни, тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлаш усталари тайёрлаш курси очилди.

Ўшанда эндигина балоғатга етиб келаётган Анвар Қулиев отаси, машҳур уста меъмор Қули Жалиловнинг қўлида ҳунар ўрганаётган эди.

— Отамнинг бошлови билан мен ҳам шу ҳунар таълим мактабига йўл олдим, — дейди Анвар ота ўтган йилларни эслаб. — Дастлаб 60 нафар ўсмирни қабул қилишди. Ҳар 15 нафаримиз наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги билан машғул бўлдик. Мен ёдгорликларни қайта таъмирлаш бўлимида ўқиб-ўрганишга киришиб кетдим. Менинг устозим академик уста Ширин Муродов эдилар.

Кўп ўтмай уруш бошланиб қолди. Ўшанда мен 16 ёшда эдим. 60 тадан 3 нафаримиз — ёши етмаганлар қолиб, бошқалар урушга сафарбар этилди.

1943 йил мен ҳам ҳамюрт ва тенгдошларим қатори аскарликка чақирилдим. Ҳаракатдаги армияда бўлган чоғимда нафас олишим оғирлашиб қолди. Ҳарбий госпиталда тиббий эксперт назоратининг хулосасидан сўнг фронт орқасига қайтаришди.

Урушдан келганимдан кейин уста Ширин Муродов мени Тошкентга чақирдилар. Ҳозирги Муқимий театри, Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет академик театри бинолари қурилишида устозим Ширин Муродов ва отам Қули Жалиловлар билан биргаликда ишладик. Ўша, уруш даврида бу каби ҳашаматли биноларнинг қуриб битказилишида халқимиз жасорат кўрсатди.

Орадан йиллар ўтди. Кечагина ўспирин йигит бўлиб юрган Анвар Қулиев энди катта уста бўлиб, ёшларга устозлик қилади. Нафақат ўзи, шогирдлари уста Мубин, уста Шариф, Амриддин, Ҳусанжон, Бахтиёр устоларга ҳам ҳунар ўргатиб элга танитди.

— Анвар ота, у кишининг ибратли оилаларини нафақат маҳаллада, балки бутун шаҳарда, вилоятда иззат-икром билан тилга олишади, — дейди Усмон Юсупов маҳалласининг раиси А. Исломов. — Биз ҳам ўз ота-боболарининг касб-ҳунарларини эъзозлаб келаётган бу сулола билан фахрланамиз. Ҳозир ўғиллари Санъат, Ғайратжонлар ота касбни пухта эгаллаб, элга хизмат қилишмоқда.

Анвар ота йиллар давомида ҳалол тер тўкиб, Самарқанд шаҳридаги кўплаб тарихий ёдгорликларни таъмирлашда, «Самарқанд», «Зарафшон», «Боғишамол» меҳмонхоналарини, Самарқанд кооператив ва тиббиёт институтлари музейи, Чехов номидаги рус драма театрини қуришда иштирок этди. Бухородаги Ситораи Моҳи хосса мадрасаси, Нодирдевонбегим мажмуини таъмирлаш ва шу каби кўплаб эътиборли ишларда бор маҳоратини ишга солиб, ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Отанинг қарийб 50 йиллик меҳнатлари республикамиз ҳукумати томонидан муносиб тақдирланган. У киши Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, бир неча Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Анвар ота ўз умр йўлларига диёнатли бир инсон каби назар солади. Ўз ишларидан кўнгли тўлади. Чунки у ўз қўлида, имконида бўлган ишларни беармон бажаради. Кўҳна обидаларни тирилтиради. Шунинг учун ота ўзини бахтли сезади.

**Раҳмиддин КЎЧИМОВ**

Самарқанд

# ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

*Боши биринчи бетда*

Жами АҚШда 100 минг аҳолига 333 юрист, яъни Америка юристлар ассоциациясига аъзо амалиётчи ҳуқуқшунослар тўғри келишини инобатга олсак, Президентимизнинг Олий Мажлиснинг охирги сессиясида малакали юристлар тайёрлаш ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолди деган сўзлари қанчалик аҳамиятга эга эканлигини англаб оламиз.

Америкада суд органларининг ишини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Судя, прокурор ёки давлат адвокатларининг жиноий ёки фуқаролик ишларини тезда кўриб чиқишлари учун барча шароитлар яратилган.

Маълум бир жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган қарор устидан юқори поғонадаги суд органига шикоят келтириш учун жуда асосли далиллар мавжуд бўлиши керак. Ҳукм ёки қарор аниқ бир қонун моддасига зид бўлса ёки қонун моддасига асосан нотўғри қўлланилган бўлсагина бу иш юқори турувчи судга чақириб олиниши мумкин.

Чунончи, Жоржия штати судларининг амалиётида, бир поғонали суд кўриб чиққан ишларнинг тахминан мингдан бири юқори апелляция судида кўриб чиқилади ва йил бўйича саноқли ишлар штатнинг Олий Судига чақириб олинади.

Бизда эса ҳар бир суд қароридан норози бўлган шахс хоҳлаган инстанциясига арз қилиши мумкин ва бунга ҳар қандай ҳолат (жазонинг оғирлиги, умуман айбдор деб топилганлик ва ҳоказо) асос бўла олади.

АҚШда судялар, айниқса федерал суд тизимидаги судьялар ўз лавозимларига сайланади. Агарда бу судялар тахминан 50 ва ундан юқори ёшдан бошлаб тайинланишини инобатга олсак, бу амалиёт суд фаолиятига қандай таъсир бериши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас,

Масалан, Жоржия штати апелляция судининг 11 округ суд раиси мажлисларига 96 ёшда ҳам қатнашган ва ҳайъат мажлисидан чиқаётган пайтда ўлган. Бундай мисоллар бошқа федерал судларида ҳам учраб туради. Судяларнинг президент томонидан тайинланиши уларнинг статус юзасидан ҳақиқий мустақиллигини таъминлашда катта қадамдир.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистонда суд ислоҳотига катта аҳамият бермоқда. «Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир» — деб қайд этди Президент Олий Мажлис олтинчи сессиясида.

Чунончи, юртбошимиз халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш ҳамда демократия ривожланган кўпгина мамлакатларда жорий этилган холис, ҳалол маслаҳатчилар иш тажрибасини ўрганиб чиқиш зарурлиги борасида сўз юритди.

Америка Қўшма Штатлари суд тизимида маслаҳатчилар бўғини алоҳида ўрин тутади. Суд маслаҳатчилари, биринчидан, ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган фуқаролардан, иккинчидан, маълум бир ҳаётий амалиётга бой бўлган ёши улуғ инсонлардан, учинчидан эса, ҳалолликда қаттиқ синовдан ўтган шахслардан тайинланади.

Синов одатда суд мажлиси очилишидан олдин бошланиб, унда прокурор ва ҳимоячи ҳар бир суд маслаҳатчисига аниқ саволлар бериб, унинг қобилиятини текшириб олади. Амалиётда прокурор ўн номзодга қарши овоз бериши мумкин, ҳимоячи эса — 20. Натижада тахминан 42 номзоддан 12 суд маслаҳатчиси тайинланади.

Юртбошимиз кўрсатган иккинчи йўналиш бу — судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар, масалан, транспорт ва солиқ судлари билан тўлдириш зарурлиги. АҚШ суд тизимида бундай судлар мавжуд ва агарда транспорт судлари штат суд тизимининг ичига қамраб олинган бўлса, солиқ судлови — федерал суд тизимининг бир тармоғидир. Бир Жоржия штатининг ўзида транспорт ишларини кўриб чиқадиган 375 судлар мавжуд ва ҳар бир суд тахминан 100 га яқин ишларни ҳал этади.

Бундай тармоқ бизнинг суд тизимимизда жорий этилса, ҳуқуқий давлатчилик асосларига тўғри келади, чунки биринчидан, йўл ҳаракатини бузиш ҳолларини тартибга келтирар эди, иккинчидан эса, йўл ҳаракатини бузиш ҳоллари бўйича жазо тайинлаш фақатгина суд ваколатига киради деган демократик талабни бизда ҳам жорий этишга ёрдам берар эди.

Солиқ судларига келсак, АҚШда бу судлар катта статусга эга. Жумладан, алоҳида АҚШ Солиқ суди мавжуд бўлиб, бу суднинг тизимида 12 федерал судлар фаолият кўрсатмоқда. Бу борада шуни айтиш керакки, солиқ жиноятлари Қўшма Штатларнинг қонунлари бўйича ўта хавфли, одам ўлдириш ёки наркотик жиноятлар билан бир қаторда туради деб ҳисобланади. Шу билан бирга, солиқ жиноятлари бўйича қўшқават жазолар тайинланади, яъни жиноят орқасидан келтирилган зарар қопланиб, жиноятчига маълум муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳамда жарима солиш жазолари тайинланади.

Ва ниҳоят суд органлари, қолаверса, барча ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг обрўси ҳақида. АҚШда ҳам бу органлар ичида нопок ёки номуносиб шахслар учраб турса-да, жамиятда ҳуқуқ ходимларига жуда катта эҳтиром ва ҳурмат билан қарашади, уларнинг моддий-маънавий ҳамда ижтимоий ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлашади. Чунки, тайин гапки, агарда ҳуқуқни муҳофаза этувчи ходимнинг иш ва ҳаёт шароити ёмон бўлса, жамиятда осойишталикка ва тотувликка эришиш ҳамда ҳар бир шахснинг тўқ ва эркинлигини ҳимоя этишни лозим даражада таъминлаш қийин. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларида ёки жамоа ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини ёки ходимларини ёмонлаш, бўҳтон гаплар тарқатиш ва камситиш ҳолларига йўл қўйилмайди.

Бизда ҳам энди шундай шароит яратишга ҳамма асослар бор.

Ўтмиш кунлар билан ҳозирги ҳаёт орасида ер билан осмонча фарқ бор ва бундай тинч аҳвол ва тотув яшашимизда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ҳиссаси катта.

Шуни ҳар бир инсон англаб, қадрласа ва жамиятимизда суд органларининг иши фақатгина жазолаш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш деган тушунча жамиятга сингиб борса, ўйлаймизки, бу ҳам республикамизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлида салмоқли бир ютуқ бўлар эди.

**Олимжон ОҚИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг битирувчиси**

# МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

«Маънавият» арабча сўз бўлиб, «аъно « феълидан олинган руҳ, ақл, онг, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш, дид каби бир қанча маъноларни англатади. «Маърифат» (кўплиги, маориф) сўзи ҳам арабча бўлиб, «арафа» феълидан. У билим, билиш, маълумот, таниш, танишиш маъноларини билдиради. Тасаввуфнинг йирик намоёндаси, сўз устаси, буюк маънавият соҳиби Сўфий Аллоҳёр шундай деб ёзган:

**Уялма маърифатни**
**ўрганурдир,**
**Танур жойинг бўлур,**
**қолсанг танурдин.**

Дарҳақиқат, инсонлар маънавиятга ва маърифатга интилишига кўра ҳайвонлардан фарқланади ва шу икки нарсага қараб, икки тоифага бўлинади: маънавиятли, маърифатли, илмли, фозил, доно ёки маънавиятсиз, маънавий қашшоқ, маърифатсиз, нодон, жоҳил инсонлар. Биринчи тоифага кирувчилар ҳамма тузумда, ҳамма динда, ҳар бир миллатда эъзозланган, уларни оддий халқдан тортиб ҳукмдорларгача ҳурмат қилишган, ёзган китобларидан одамлар асрлар давомида баҳраманд бўлганлар, фикр-мулоҳазаларидан халқ ҳаётини, ахлоқ-одобни яхшилашда фойдаланганлар.

Маънавият ва маърифатнинг дунёга машҳур йирик соҳиблари ҳозир ҳам нафақат ўзлари етишиб чиққан элат ёки миллат, балки бошқа халқлар томонидан ҳам эъзозланиб келинмоқда, уларнинг асарлари, ҳикматли сўзлари дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилиниб келмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, бизнинг ота-боболаримиз, айниқса, буюк саркарда Амир Темур ва темурийлар, саховатли кишилар томонидан бунёд этилган, ҳозиргача жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келаётган ҳашаматли тарихий обидалар халқимиз фахр—ифтихори, маънавиятимиз ва маърифатимизнинг юксак намуналаридир.

Хўш, энди иккинчи тоифага мансуб - маънавий жиҳатдан қашшоқ, маърифатсиз одамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Шубҳасиз, халқ уларга ҳам ўзига яраша баҳо берган, улардан йироқ юрган. Бундай кимсалар нечоғли донгдор подшоҳ, ҳукмдор ёки бой-бадавлат кишилар бўлишмасин, барибир, тарихда номлари қолмаган. Халқ уларни эслаганда ҳам жирканиб, нафрат билан тилга олади.

Маънавият ва маърифат, инсон яралибдики, ҳукмдорлар, олимлар, шоир-ёзувчилар, тараққийпарвар зиёлилар диққатида бўлиб келади. Бу ҳақда кўплаб китоблар, шеърлар ёзилган, ҳикматли сўзлар, мақоллар тўқилган.

Демак, жамият маънавий ҳаётини олимлар, фан, адабиёт ва маданият арбоблари билан бир қаторда раҳбар ходимлар ҳам белгилайдилар. Баски, шундай экан, энг кичик раҳбардан то йирик мансабдоргача барчаси маънавий жиҳатдан баркамол, айни чоғда, камтар, халқ ва давлат манфаатини ўз манфаатидан юқори қўювчи ҳақиқий инсон бўлиши керак. Бу ҳақда буюк Машраб шундай деган:

**Юртда бўлса комили**
**бир посбон,**
**Еткуролмас деб дев**
**қавмига зиён.**

Юксак маънавиятли ва маърифатли одам, у хоҳ эркак, хоҳ аёллигидан қатъий назар, биринчи навбатда Худони, унинг пайғамбарларини таниган, иймонли, инсофли, ахлоқли, адолатли, ҳалол ростгўй ва пок бўлмоғи лозимдир. Негаки, маънавият — энг аввало меҳр-шафқат, халққа муҳаббат, ўз диёрини севмоқ, ватанпарварлик демакдир.

«Миллий тикланиш» нинг Бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров газетанинг шу йилги 1996 йил 17 сентябр сонида эълон қилинган мақоласига «Ақл ва юракнинг бирлиги — маънавият» деб сарлавҳа қўйгани бежиз эмас. Зеро, маънавиятли киши халқи, миллати, Ватанини севиши, унга жону дили билан хизмат қилиши, фақат ўзи учунгина эмас, юрт-эли учун ҳам яшаб, ҳаётидан мамнун бўлиши керак. Ундай инсон ичкиликбозлик, ҳаромтаомлик, ўғрилик, фоҳишабозлик, қиморбозлик, тамагирлигу- порахўрлик, судхўрлик, ёлғончилигу-каззоблик каби иллатлардан сақланмоғи керак.

Кишининг тартиб-интизомли бўлиши ҳам маънавият нишонаси ҳисобланади. Бинобарин, ҳар бир ишни ўз вақтида, интизом ва тартиб билан виждонан бажармоқ жоиздир. Машҳур алломамиз Абдулла Авлоний: «Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар», деганида мутлақо ҳақ эди.

Тарихимизга назар солсак, ўзбеклар дунёда маънан энг пок, маърифатли халқлардан бўлганини англаймиз. Шу боис дунёга юзлаб машҳур инсонларни — маънавий жиҳатдан пок, юксак маърифатли аллома ва шоирларни, буюк дин арбобларини, авлиёларни, Амир Темурдай имонёр соҳибқирон саркардаларни етказиб берганмиз.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жумҳуриятимизда юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бошқа соҳалар қатори маънавият ва маърифатни юксалтиришга ҳам катта эътибор берила бошланди. 1994 йил 23 апрелда Президентимиз фармонига биноан «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази тузилди. Сўнгра барча вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Ҳозир улар кенг фаолият кўрсатмоқда. Президент ўзининг ҳар бир нутқи ва учрашувларида бу сайъ-ҳаракатларнинг чўнг моҳиятини янада ойдинлаштирмоқда. Пировардида, 1996 йил 9 сентябрда Президентнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. 4 сентябр куни телевидение орқали Президентнинг маънавият ва маърифатга бағишланган суҳбати намойиш этилди.

Дарвоқе, халқимизнинг инсонийлиги, юксак маънавияти ва маърифати, фахрланса арзигулик бой тарихи ва маданияти эндиликда том маънода ўзиники бўлди. Биз энди маънавиятимиз нақадар бой ва теран эканлигини тобора чуқурроқ англаб бормоқдамиз. Ўз юртимизнинг ҳақиқий эгаси сифатида дунёга танилмоқдамиз. Ўзбекистоннинг тараққиёти ва келажаги эса маънавиятимизнинг янада юксалиши билан боғлиқ. Борди-ю, биз иқтисодий, жабҳаларда юқори поғоналарга кўтарилсагу лекин маънавият бобида қолоқ бўлиб қолсак, республика тараққиёти йўлида қилинган ҳамма ишлар беҳуда кетади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, бизнинг олдимизда катта вазифалар турибди. Мана, масалан, Наманган вилоятида ҳам маънавият ва маърифат масаласи ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Айниқса марказдан узоқ, чет қишлоқларда яшовчи аёлларимиз маънавиятдан узилиб қолганлар, улар ўртасида турли бидъатлар, зарарли урф-одатлар, қайноналарнинг келинларга нисбатан салбий муносабати оқибатида оилавий қўйди-чиқдилар кўпайиб кетгани маънавиятнинг сустлигидан бир далолатдир. Эркаклар-ку масжидларда, турли davраларда, мажлис-йиғинларда маънавият ва маърифат ҳақидаги насиҳатомуз сўзларни эшитадилар, баъзилари китоб, газета-журналларни ҳам ўқийдилар. Аёллар эса бундай имкониятлардан бенасибдирлар. Кўплари уй-рўзғор ташвишлари билан андармон бўлиб ёки азбаройи тирикчилик важидан бозор-ўчарларда рўмол ёпиниб, савдо қилиш билан шуғулланиб, халқимиз, буюк алломаларимиз яратган меросларни билишдан ва ўрганишдан четда қолмоқдалар. Аёлларимиз маънавиятининг сустлиги, «Мен сендан ўтаман» қабилида иш тутишлар тўй-маъракаларда жуда кўп исрофгарчиликларга олиб келяпти. Эркакларнинг кўпчилиги аёллар «фаолияти» ни қўллаб-қувватлаб, уларга мутеъ бўлиб қолмоқдалар. Шариатга зид бидъат урф-одатларнинг авж олишига уламоларимиз ҳам бефарқ қарамоқдалар. Бундан уч йил аввал вилоят ҳокимлиги, шаҳарлар ва туман ҳокимликлари қошида тузилган тўй комиссиялари эса ҳеч қандай фаолият кўрсатмаяпти.

Давлатимиз истиқболи, таянчи, маънавият ва маърифат меросхўри бўлган ёшларнинг бир қисми савдо-сотиқ ишларига, пул топишга қизиқиб, мактабларда ўқишга кирмоқчи бўлганлар орасида туманлардан келган қизлар тест имтиҳонларида юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу яхши, қишлоқ жойларда ўқишга, илм олишга қизиқиш катталигидан нишона. Лекин шаҳарлик абитуриент ёшлар аксар ҳолларда кириш имтиҳонларини паст баҳоларга топширмоқдалар. Бу кетишда келгусида шаҳар боғчалари, мактабларда ким ишлайди? 10-15 йилдан кейин аҳвол нима бўлади? Маънавият ва маърифат учун энг зарур бўлган бу долзарб масалага раҳбарларимиз вақт борида, ҳозирданоқ жиддий эътибор қаратсалар, айни муддао бўларди. Маънавият ва маърифатнинг асосий манбаи китоб. Буюк алломаларнинг оламшумул бой мерослари бизга китоб туфайли етиб келган. Бироқ мен баъзи ўзига тўқ, фаровон яшаётган бадавлат хонадонларга кирганимда юзталаб чинни идишларни, гилам ва бошқа уй анжомларини кўраману, китобларга кўзим тушмайди. Сабаби — Наманганда кейинги вақтларда китобга қизиқиш анча сусайиб кетди. Бу демак, одамларни бадиий адабиётга қизиқтириш, китобхонлар конференциялари ўтказиши, янги чиққан энг муҳим асарларни радио ва телевидение орқали кўпроқ ташвиқ ва тарғиб қилиш зарур ишлардандир.

Хўш, маънавият ва маърифатни юқори поғонага кўтариш учун яна нималар қилиш керак? Бу борадаги асосий вазифалар Президент Фармонида кўрсатилган. Мен эса ўз мулоҳазаларимни қўшимча қилмоқчиман.

Маънавий ва маърифий тарбияни энг аввало оилада, сўнг мактабда ва ҳар бир иш жойида амалга ошириш даркор. Бунинг учун бундай тарбия бериш билан шуғулланадиганларнинг ўзлари юксак савияли ва маърифатли бўлишлари керак. Аксинча, ота-онанинг, ўқитувчи ёки раҳбар ходимнинг ўзи бу борада қашшоқ бўлса, ундан маънавий покликни ва маърифатни кутиш жуда мушкул.

Маънавият ва маърифатнинг энг ашаддий душмани шишадаги оғу - шайтондир. Мана, сизга ҳаётий мисоллар:

Наманганлик 22 ёшли Аъзам Усмонов тенгқурлари Ж. Абдураҳмонов ва У. Қодиров билан бирга арoқ ичиб, маст бўлгач, автобусда безорилик қилади. Бу ҳам етмагандай, уч оғайни ўзларига танбеҳ берган Ҳ. Иминовни уриб ўлдирадилар. Шунга кўра, А. Усмонов олий жазога ҳукм қилинади, шериклари эса 15 йиллик муддатга озодликдан маҳрум этиладилар. Бу бир томондан ичкиликнинг касофати бўлса, иккинчи томондан ёмон тарбиянинг оқибатидир. Ота-она ўғилга яхши тарбия беролмаса , уни нима учун дунёга келтиради? Менинг фикримча, бу оилаларда маънавият ва маърифат тарбияси бўлмаган.

Косонсой туманида ёш аёлни ва икки қизни ваҳшийларча ўлдирганларни ҳам одам қаторига қўйиш қийин. Улар ичкилик ичиб, ҳайвонга айланганлар, бойлик, пул-мол орқасидан қувиб, маънавий ахлоқий ва инсоний қиёфаларини батамом йўқотганлар.

Яқинда бир олий маълумотли собиқ ўқитувчи кўпчилик ўртасида «Бизга СССР яхши эди, ўша пайтларда бир қоп ун 19 сўм турарди» деб қолди. Бу гапдан ғазабим қўзғаб кетди. «Сиз бир қоп унни, қорнингизни ўйлабсизу мингглаб улуғ, софдил кишилар қириб юборилганини, тилингиз ҳалокат ёқасига келиб қолганини, динингиз, тарихингиз, бой маданиятингиз, қадимий миллий урф-одатингиз поймол қилинганини, бошингизни эгиб, мутеъ бўлиб яшаганингизни ўйламабсиз-да, маънавий қашшоқ одам экансиз», — дейишдан ўзимни тия олмадим. Ахир ота-боболаримиз «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деган ҳикматни бежиз айтмаганлар-ку. Шўро даври кейинги йилларда фақат қорнимизни тўйғазиб, шу билан овунтириб, бизни «урра-урраchилар»га, «оминчилар»га айлантириб қўйган эди. Шундай бўлгач, эндиликда ўша даврни қўмсаш ўз миллати, ватанини тан олмаслик, ўта маънавиятсизлик ва маърифатсизлик эмасми?

Биз бирорта ҳам халқ ёки миллатни батамом маънавиятли, маърифатли, одоб-ахлоқли, баркамол деб айтолмаймиз. Барча даврларда ҳам, барча шароитларда ҳам етук маънавиятли, ахлоқли кишилар билан бир қаторда маънавиятсиз, маърифатсиз, ахлоқсиз кишилар ҳам бўлган ва бўлади ҳам. Шундай экан, идора ва ташкилотларда, олий ўқув юртлари, мактаб ва бошқа жойларда маънавият масаласи биринчи ўринда туриши керак. Жамоатчилик ўз орасидаги ахлоқсиз, одобсиз, жамият ва давлатга иснод келтирадиган шахсларни йўлга солиши керак. Ҳаммамиз халқ ва давлат олдида бурчлимиз. Маънавиятнинг асосий шарти ана шу бурчни англаб етишда. Миллатни ва Ватанни юксак даражага кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашдек масъулиятли, улуғ ва савобли ишга маънавият заҳматкашлари — адабиёт ва санъат намоёндалари, маданият арбоблари, ота-оналар ва ўқитувчи-тарбиячилар, раҳбар ходимлар, дин уламолари, мўътабар қарияларимиз салмоқли ҳисса қўшишлари керак. Зеро, Президент Фармонида таъкидланганидек, «Одамларнинг ўзларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашуви, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадга айланиши лозим».

**Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор**

# Сўрида қолган торлар

Андижоннинг узум бозоридаги чойхонада 1926 йили бўлган сайлда Рисқи Ражабий бошлиқ созандалар, ҳофизлар ҳам қатнашган эканлар. Мухлислар жон қулоқлари билан ҳофизларни тинглаб, завқланибдилар.

Рисқи Ражабий ва ҳамроҳлари оёқнинг чигилини ёзиш учун тушиб, сўри суянчиғига суялган танбурлар, дуторлар, чилдирма, ғижжак, қолган пайтда чойхонага шоир Ҳабибий дўстлари билан кириб келибди. Сўрида фақат созларнинг қолганини кўриб, бу ажиб манзарадан илҳомланган шоир бир парча қоғозга икки мисра шеър ёзибди-да сўридаги икки танбурнинг бирини торларига қистириб қўйиб жойига ўтирибди. Бир оз вақт ўтгач ҳофизлар ва созандалар сўридаги ўринларига келиб ўтиришибди. Рисқи Ражабий қўлига танбурини олган экан унга қистирилган қоғоз парчасига кўзи тушиб, ушбу байтни ўқибди:

**Сўрсангиз бизларгадир мақсуди айн,**
**Чоргоҳ, Ушшоқ ила Дугоҳ Ҳусайн.**

Шеър завқи билан илҳомланиб, шоирнинг назокатли илтимосига биноан созандалар ва ҳофизлар «Чоргоҳ», «Ушшоқ» ва «Дугоҳ Ҳусайн» йўлида куйлар машқ қилишибди, ашулалар айтишибди.

Бу воқеани бизга Маҳмуд ака Қодиров айтиб бердилар, байтни эса шоир Улфатнинг ўғли муҳандис Ғолиб Қосимов ёд билар экан.

## БОҒ ОРАЛАГАН ИЛҲОМ

Булоқбошида, ҳозирги «Тоштемир Раҳимов» колхозида 1940 йиллари бир гўзал боғ барпо этилган экан. Бу боғ Соҳибқирон Темур боғларидай-ҳам мевали, ҳам манзарали бўлгани учун истироҳат қиладиган шинам экан.

1942 йилнинг кузида, Андижонга борган Усмон Юсупов шу боғни кўришга Булоқбошига келади, унга шоирлар Ҳабибий ва Собир Абдуллоҳлар ҳамроҳ эдилар. Усмон Юсупов ҳам, шоирлар ҳам шундай қийин шароитда барпо этилган бу гўзал боғ томошасидан бир олам завқ оладилар. Боғдаги зилол сувида балиқлар сузиб юрган, катта ҳовуз олдидаги мажнун толлар соясида суҳбат бўлиб, шоирлар шеърлар ўқидилар, машшоқлар куйлар машқ қилдилар, ҳофизлар мумтоз ашулалар айтишди.

Шу суҳбат чоғида Усмон Юсупов шоирларга: «бу боғга бағишлаб бир шеър ёзсангиз, уни бундай гўзал қилган боғбонлар ва деҳқонларга яхши совға бўларди!» — деди. Қўшни колхоз раиси Жўраполвон Ғоипов ҳам, Тоштемир Раҳимов ҳам бу таклифни қувватладилар. Шоирлар таклифни мамнуният билан қабул қилиб, боғ оралаб кетдилар. Бир оз сайрдан сўнг Ҳабибий қўлидаги дафтар варағига ушбу мисраларни ёзди:

Ҳабибий:
**Бир гўзал водийни кўрдик шаҳру**
**қишлоғигача,**
**Сайр қилдик пахта майдони билан боғигача.**
**Қарши олмоққа қулоч ёзди боғ дарвозаси,**
**Саф чекиб гуллар кутиб ҳавзи қирғоғигача.**

* * *

**Сарғайибдур анжиру шафтоли меҳмонлар кутиб,**
**Айланиб қанду асалга, шира қаймоғигача.**

Ҳабибий шу байтлар ёзилган дафтарни дўсти Собир Абдуллоҳга берди. Собир Абдуллоҳ шеърни ўқиди-да бундай давом эттирди:

Собир Абдуллоҳ:
**Меваси сонсиз, балиқлик катта бир ҳавзи ҳам бор,**
**Истаса ҳар ким муҳайё тўру қармоғигача.**

* * *

**Мушк тарқатмиш Булоқбошидаги бу кенг чаман,**
**Ўшдан то Андижон, Хартуму Заврoқигача.**

* * *

**Сайр этиб Собир, Ҳабибий келди колхоз боғига**
**Талпиниб гуллар этакдан тутар белбоғигача.**

Шоирлар ғазални меҳмонларга, суҳбат аҳлига ўқиб бердилар, шеър ҳаммага манзур бўлди. Усмон Юсупов эса шеърни қайта ўқитиб Ҳабибийнинг: «Сарғайибдур анжиру шафтоли меҳмонлар кутиб» мисрасини ва Собир Абдуллоҳнинг: «Мушк тарқатмиш Булоқбошидаги бу кенг чаман; Ўшдан то Андижон, Хартуму Завроқигача» байтини айниқса маъқул ва завқбахш эканлигини айтиб шоирларни табриклади. Шундан сўнг Усмон Юсупов санъаткорларга қарата: «Ким шу ғазални ҳозир қўшиқ қилиб айтиб бера олади? Шоирлар бадеҳона шеър ёздилар, энди қайси ҳофиз ҳозир соз билан ашула қила олади?» — деб сўради. Ҳамма жим. Негаки бу ғазални бирданига ашула қилиш, яна юксак дидли санъат мухлиси бўлмиш Усмон Юсупов ҳузурида айтишга жасорат керак эди. Тажрибали санъаткорлар индамай ўтиришарди. Ҳеч ким кутмаганида ўн тўрт ёшли йигит Ғуломжон Ҳожиқулов: « Мен айтиб кўрай!» деб юборди. Ёш ҳофиз бундай дейишидан олдин бу ғазални Жўраxон Султонов янги ёзган куйда хиргойи қилиб кўрганди.

Ғуломжон Ҳожиқулов кўпчиликни далдаси ва хайриҳоҳлиги билан ғазални ашула қилиб айтди. Тайёргарликсиз, машқ қилмай айтилган бу ашула ҳам кўпчиликка ёқди. Ашула тугагач, Усмон Юсупов ҳамроҳларидан — Тўлаган исмли йигитни қишлоқ дўконига юбориб бош оёқ кийим олиб келтиртирди ва шоирлар Ҳабибий ва Собир Абдуллоҳларга ҳамда ёш ҳофиз Ғуломжон Ҳожиқуловга совға қилди.

Бу кун боғбонлар саховати, шоирлар ва санъаткор истеъдоди, раҳбар илтифоти намоён бўлган кун бўлди...

**Урфон ОТАЖОН**



# ҲАЁТ ГИРДОБИДА

1950 — 1954 йил октябр ойлари. Мен ниҳоят ғамбода тутқунликдан қутулиб Колима дарвозаси — Магадан шаҳридан кетар бўлдим. Авф умумий чиқди. Икки болам билан тўрт киши Магадандан тайёрага ўтириб Хабаровск шаҳрига келиб тушдик. «Катта ерга» қўнганимда кўзим биринчи бўлиб тайёрагоҳ саҳнида бир кампир сотиб ўтирган қип-қизил помидорларга тушди ва кампирдан:

— Помидорингиз қанча туради? — деб сўрадим. У:

— 25 сўм, — деди.

Ундан нимаси 25 сўм, килосими ёки барчасими, десам у:

— Бир донаси, — деб жавоб қайтарди.

Мен шу ондаёқ 100 сўм чиқариб 4 дона помидорни олиб, тўртовлон шундай иштаҳа билан еб қўйганимизни ҳам билмай қолдик. Ахир бу лаззатни тотиб кўрмаганимга ўн йил бўлган эди...

Сўнг Хабаровск — Новосибирск поездига ўтирдик. Поезд Байкал атрофларида Иркутск шаҳрига етмасдан 9 та туннелдан тун қоронғусидан ўтар эди... Тонг ёришгач бирданига вагонда шов-шув кўтарилди... Менинг ёнимдаги купеда Магаданда 3 йил ишлаб қайтаётган бир майорни хотини — врач билан ечинтириб фақат ички кийимда қолдириб 500.000 мингга яқин пул ва молларини ўғирлаб поезд туннеллардан ўтаётганда тезлигининг пасайишидан фойдаланиб ундан тушиб ғойиб бўлганлар... Вагонда қий-чув авжида... Талангaнлар бесаранжом, хомуш боқар эдилар. Одамлар оҳ-воҳ қилишар, лекин нима қилиб ёрдам кўрсатишни билмасдилар. Шунда мен шляпамни қўлга олиб ичига 25 сўм ташладим ва бошқаларни ҳоли қудрат ёрдамга ундадим. Нохуш хабар поездга тарқалди. Мен икки кишини ёнимга олиб бутун поездни бошдан-оёқ айландик ва бирмунча пул тўпладик. Навбатдаги Иркутск бекатида эру хотинга бош-оёқ кийим, Москвага етадиган озиқ-овқат сотиб олдик ва қўлларига қолган пулни ҳам бердик...

Вақт етиб, Новосибирск бекатига келиб тушдик. Оилани оналар ва болалар хонасига жойлаб, ўзим бозорга шошилдим. Бозорга кириб пештахталарда узум сотиб ўтирган ватандошларимга кўзим тушди, ва биридан 4 кг узум тортиб беришини илтимос қилдим. Пулини бергач, сабрим чидамай узумни апил-тапил очкўзлардек ея бошладим. Буни кўриб турган бир юртдошим ажабланиб, менга мурожаат қилди;

— Ўзингиз ўзбекка ўхшайсиз, анча бўлдими узум кўрмаганингизга? — деб сўради.

— Тўғри, мен ўзбекман. Лекин узум емаганимга 10 йил бўлди, — дедим.

Шундан сўнг юртдошлар мени пештахта орқасига қўярда-қўймай ўтқаздилар ва ҳар бирлари мени узум билан меҳмон қила бошладилар. Узумга ўзим тўйдим ва болаларимга ҳам қолдирдим. Сўнг тузлама бодринг, помидор ва карам харид қилиб вокзалга қайтиб буфетчидан паспорт эвазига бир тоғора олиб, бозордан келтирган нарсаларни унда аралаштириб — «силос» қилдим ва уни зўр иштаҳа билан ея бошладик...

Оқибатда Новосибирск — Тошкент поездига билет ололмай икки кечаю-кундуз вокзалда қолиб кетдик. Қарасам яна қолиб кетиш ҳеч гап эмас! Тўғри вокзал бошлиғининг эшигини рухсатсиз очиб кирдим:

— Гражданин началник! Қачон уйингга қайтасан, — дедим дабдурустдан.

— Нимайди? Ишинг бўлса айтавер.

— Сенда ҳеч қандай ишим йўқ. Мен Магадандан келаяпман. Икки кун бўлди Тошкентга билет ололганим йўқ! Пулларим тамом бўлмоқда! Билет бермасанг ўзингдан кўр, — дедиму эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетдим. Беш-олти қадам чамаси юрган эдим, орқамдан эшик очилиб:

— Ҳой гражданин! 6-кассага бор, сенга билет берадилар, — деди.

Мен у ерга юзланганда кассир нечта билет керак, деди. 4 та дедим. У пулни ҳисоблаб олди ва билетларни узатди. Билетларни кўздан кечирсам Новосибирск — Олмаота бўлиб чиқди. Қаҳрланиб билетларни юмалоқ қилдим-да кассирга қараб отдим:

— Бу билетлар билан бошлиқ Олмаотага ўзи борсин, менга Тошкент керак, дедим.

Кассир началникка қайта телефон қилди. Бир оз ўтгач, шу куни кечаси 12 ларда жўнайдиган Новосибирск — Тошкент поездига купе вагонга 4 та билет узатди ва қўшимча ҳақ олди...

Тонг ёришар пайтида поезд Олмаота бекатида 40 минутча тўхтар экан. Перронга чиқсам, бир талай хотин-халаж тўр халталарда катта-катта қизил олмаларни сотиб юришибди. Нархини сўрадим, 15 сўм дейишди.

— Нимаси 15 сўм! Килосими, донасими? — десам, улар халтаси дедилар. Мен суюнганимдан 4 халта олма олиб купега кирдим... Поезд Чимкент шаҳрига яқинлашганда вагон ичида сайёр буфетчи ўтиб қолди. Ундан бир шиша экстра ароқ олдим ва Чимкент бекатидан иккита қизартирилган товуқ харид қилдим. Бир шиша ароқни стаканда икки бўлиб ичдиму, товуқдан газак қилиб ўтиравердим. Ўшандан бери то шу кунларга қадар ҳар қандай хурсандчилик маросимларида ҳам маст қиладиган «оби зам-зам»ни ичмадим...

Охири поезд она юртимга, Тошкент бекатига келиб тўхтади. Мени кутиб олишга чиққан акаларим ва яқин қариндошларим олдида кўз ёшларим шашқатор бўлди... Гўё ҳижрон тунлари тамом бўлдию, висол онлари етиб келди. Ҳозирда бузилиб кетган, собиқ «Самарқанд дарвоза» кўчасидаги «Сари чопон» маҳалласидаги уйимизга кириб борганимда опам билан волидайи меҳрибоним кутиб олдилар. Лекин онамиз мен билан кўришиб бўлгач негадир менинг енгларимни кўзларига суртар эдилар. Менинг ажабланганимни сезган Нури опам (Тангри раҳмат қилган бўлсин) имо-ишора билан оийимларнинг икки кўзлари кўрмаслигини тушунтирдилар. Оийимларнинг бундай кўз суртишлари асосида Шоюсуф қиссаси ётар эди: Ривоятларда қайд этилишича:

**Шоёқубнинг ўн бир ўғли**
**бор эди,**
**Ҳаммасидан Шоюсуф**
**гулзор эди.**
**Шоюсуфни овга**
**олиб чиқдилар,**
**Чоҳга ташлаб бўри**
**еди дедилар.**
**Отаси йиғлаб борди**
**чоҳ бошига**
**Чоҳ боши дарё бўлди**
**кўз ёшига**

Алқисса: Шоёқуб йиғлай бериб икки кўзи кўрмайдиган бўлиб қолади. Вақтлар ўтиб, ўғли Шоюсуф билан тасодифан учрашганида унинг енгларини кўзига суртиб, кўзлари очилгани баён этилади. Бунга бор вужудлари билан ишонган эътиқодли оийимлар етти фарзанд ичида энг кенжаси бўлмиш мен 22 ёшимда ҳижрон бошимга тушиб фарзанд доғида кечаю кундуз андуҳ чекиб йиғлай бериб икки кўздан айрилиб қолган эканлар.

Бир ой чамаси келди-кетдилар ўтгач мен аста-секин иш қидира бошладим. Қаерга бош суқиб кирсам ишга олар эдигу, қамалиш моддангиз сиёсий экан деб ишга қабул қилмас эдилар. Шу аснода тўрт ой ўтди.

Чўкаётган инсон сомон парчасига ёпишгандек, мен ҳам охирги ирода ва бардошимни тўплаб собиқ Ўзбекистон Олий Советига нажот истаб Тошкентда мени бир иш билан таъминлаш ҳақида ариза кўтариб чиқдим. Аризам мазмуни билан танишган иш бошқарувчи менга:

Биронта колхозга бориб кетмон чопинг! — деди.

Кўнглим вайрон, ҳолим паришон бўлиб уйга келиб етганимни ҳам билмай қолибман. Энди нима қилишим керак? Тушкунликка тушиш ўта хавфли... Лекин жаҳаннам ёқасидаман. Ҳаётда курашганлар енгадилар. Бундай чоғларда мустаҳкам ирода кишининг бирдан-бир йўлдоши бўлмоғи зарур, деб ўзимга қайта-қайта уқтирдим ва ҳаракатда давом этдим.

Оқибат мен ариза ёзиб, Москвага жўнатдим ва жавобини бетоқатлик билан кутмоқдаман! Шу кезларда тасодифан газетада бир эълонни ўқиб қолдим. Унда Ўрта Осиё темир йўлида ишлаш учун шеф-ошпазлар керак дейилган эди. Мен дарҳол эълон берган идорага бориб учрашганда улар менга, бир ҳафтадан кейин келишимни ва комиссияда аттестация қилинишимни уқтирдилар. Мен Магадандаги 14-ошхонада шеф-ошпаз бўлиб ишлаган васиқаларни кўтариб айтилган муҳлатда Ўрта Осиё темир йўл ресторанлар бошқармасига чиқиб бордим. Шу куни эълон бўйича келган 7 киши қайта аттестация қилинди ва улардан мендан ташқари яна бир ошпазни қолдириб қолганига жавоб бериб юборишди. Сўнг мени кабинетга яна қайта таклиф этиб, Андижон ёки Чияли бекат ресторанларининг бирида бош ошпаз бўлиб ишлашни тавсия этишди ва ўйлаб кўриш учун 3 кун муҳлат беришди. Бу хушхабардан хурсанд бўлиб уйга қайтсам, мени уйда оддий конвертлардан 2 — 3 баравар катта ва устига «Ўзбекистон Министрлар Совети» деб ёзилган конверт кутиб турган экан. Ичини очиб қарасам, икки оғиз сўз ёзилган: «Эртага, соат 10. ларда Министрлар Совети... хонага келинг», дейилган холос! Мен безовталаниб тунни бедор ўтказиб, эртаси тайинланган хонага кириб бордим. Мени бир аёл кутиб олиб, шу ондаёқ гинахонлик қила бошлади. Нега иш ҳақида ўзимизга мурожаат қилмай, Москвага ариза ёздингиз деди. Мен:

— Опахон, гинахонлик кейин бўлар! Айтинг-чи, менинг аризамга салбий жавобми ёки ижобий? — деган эдим, у аёл:

— Ўзингизни босинг! Ижобий жавоб, — деди. Шунда мен:

— Ана энди, сизга айтсам, аввало мен аризани шу ерга ёздим. Уни иш бошқарувчига берсам, у ариза мазмуни билан танишиб менга колхозга кетмон чопишни таклиф этди, — деган эдим, у аёл шу ондаёқ телефон қилиб иш бошқарувчини унинг олдига келиб кетишини буюрди. Иш бошқарувчи эшикдан кирганданоқ опа менга ишора қилиб бу кишини танийсизми, деган эди, у:

— Опа, бу одамни кўрганга ўхшайману,эслай олмаяпман, узр! — деди.

— Бу одам сизга иш ҳақида ариза кўтариб келганда, сиз олий маълумотли геологга колхозда кетмон чопишни таклиф этибсиз! Энди эсладингизми?

— Ҳа, эсладим! Рост, шундай деган эдим! — деганда, опа унга қараб:

— Чиқинг! Бу сўзингиз учун бюрода жавоб берасиз, — деди. Сўнгра менга юзланиб:

— Ўртоқ Зокиров, қандай ишда ишлашни хоҳлайсиз! Биронта танлаган ташкилотингиз бор бўлса айтинг! Мен ҳозироқ қўнғироқ қиламан! — деганда, менинг хаёлимда пинҳона ошпазлик ёки геологлик тўғрисида жангу жадал кетаётган эди. Бироз сукут сақлаб, 15 йил ўқиганимни эслаб, геолог бўлиб, «Средазхимгеолнеруд» трестида ишлашимни маълум қилдим. Опа шу ондаёқ трест телефон рақамларини тергач, «Мирсалимовмисиз?» — деди. Тасдиқни олгач, «Сизнинг олдингизга эртага эрталаб олий маълумотли геолог боради. Уни дарҳол геолог қилиб ишга олинг ва натижасини менга хабар қилинг», — деб трубкани илиб қўйди. Мен эртасигаёқ трестга бордим, мени кичик геолог лавозимига қабул қилишди... Уч ой ўтгач отряд бошлиғи, 6 ой ўтгач геологик-разведка партиясининг бошлиғи лавозимида ишлаб, шу вазифада то 1958 йил 1 январгача, аспирантурага киргунимча фаолият кўрсатдим.

Кейинги ҳаётим қисқа қилиб айтганда, қуйидагича кечди: 1962 йил геология минерология фанлари номзоди, 1962 — 1966 йил ТошДУда «умумий геология»дан дарс бериб, ЎзФА Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтида илмий тадқиқотларимни давом эттириб, 1970 йил 28 мартда геология ва минералогия фанлари доктори, 1979 — 1986 йиллар давомида «Норуда фойдали қазилмалар» лабораториясининг бошлиғи, сўнг етакчи илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ҳозирги кунда 6 та монография, 26 та илмий-оммабоп рисола, 240 га яқин илмий мақолалар, 30 га яқин илмий тавсиялар, иккита патент ва 3 та муаллифлик гувоҳнома муаллифиман. Менинг фаолиятим ва тавсияларим асосида 3 завод қурилиб маҳсулот бермоқда, битта шағал карери ишламоқда ва 3 та бархан қум карерлари асосида 3 та силикат ғишт чиқадиган заводлар маҳсулот бермоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог деган шарафга муяссарман. Менинг бошқа қизиқишларим: геология фани ютуқларини кенг омма орасида тарғиб қилиш, унча-мунча шеър ёзиш. Ҳозирги кунда «Муздан чиққан чақмоқлар» деган (мемуар) китобни ёзиб тамомлаганман ва уни босмадан чиқариш тараддудидаман.

**Мирмажид ЗОКИРОВ,**
**геология ва минерология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатган геолог**

*Камолот фазосидан нурлар*

# НАҚШБАНД ХАЛИФАЛАРИ

## ХОЖА АЛОУДДИН ҒИЖДУВОНИЙ

Хожа Алоуддин Ғиждувоний Ҳазрати Хожанинг учинчи халифаси эди. Али Сафийнинг ёзишича, унинг туғилган ери Ғиждувон бўлиб, қабри Бухоро шаҳрининг жанубида, ийдгоҳга яқин жойда, Талли номли қишлоқда, талл (тепалик)нинг устига кўмилган.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Алоуддин Ғиждувоний зикр таълимини Амир Саййид Кулолнинг энг улуғ асҳобларидан бири Амир Калон Вошийдан олган. Али Сафий Хожа Аҳрори Валийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Хожа Алоуддин Ғиждувоний менга ҳикоя қилдиларки: «Мен олти ёшга кирганимда Амир Калон Воший хизматларига бордим. Улар менга хуфия зикр айтишни таълим бердилар, улар бу зикрни барчадан пинҳон тут, ҳатто ёнингда ўтирган ёки тизза-ма-тизза ўтирган киши ҳам бундан хабардор бўлмасин, агар одамлар билиб қолаётганини сезсанг, бир болишни олгин-да, унга суяниб олиб, зикрга машғул бўл, деб қаттиқ тайинладилар. Бир неча муддат шундай машғул бўлдим, қаттиқ риёзат чекдим. Заифлик аломатлари юзимдан ошкора билиниб турарди. Бир куни волидам менга: «Сенда қандайдир яширин касаллик бор, заиф кўринасан, аммо мендан яширмоқдасан», — деб қолдилар. Мен: «Йўқ, касал эмасман», — деб туриб олдим. Шунда волидам кўкрагини очиб бунинг сирини айтмасанг, мана шу кўкрагимдан эмизган сутимни ҳаром қиламан!» — дедилар. Мажбур бўлиб, қиссани баён қилдим, тариқани айтиб, уларга арз қилдим. Дарҳол бу тариқани қабул қилдилар ва нафйу исботга машғул бўлдилар.

Бу сирни ошкор қилганим учун қаттиқ изтиробда эдим. Амир Калон Воший ҳузурларига бориб, волидам ҳақидаги қиссани баён қилдим. «Майли волидангга рухсат бердик, бу тариқа билан машғул бўлаверсин», — дедилар. Волидам бир қанча вақт шуғулланиб юрдилар. Кунлардан бир кун, акам далага кетган пайтда, волидам мени ўз ҳузурларига чақириб: «Қозонни яхшилаб юв, сув тўлдириб исит», — дедилар. Айтганларини қилдим. Таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқидилар. Сўнг мени олдиларига ўтқазиб: «Тариқага машғул бўл», — дедилар ва ўзлари ҳам машғул бўлдилар. Сал ўтмай, жонларини Ҳаққа таслим қилдилар».

Хожа Алоуддин Ғиждувоний ҳақидаги маълумотларни Али Сафий асосан Хожа Аҳрори Валий тилидан ёзиб олган. Чунки Хожа Аҳрори Валий кўп вақтини Алоудин Ғиждувоний билан суҳбатда ўтказган эди. Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрори Валий)нинг айтишларича, — деб ёзади Али Сафий, — Хожа Алоуддин ёшлик пайтида Хожаи Бузург (Баҳоуддин Нақшбанд) хизматларига бориб, Хожаи Бузургнинг ҳаётларини охиригача улар билан бирга бўлганлар. Уларнинг вафотларидан кейин ҳам, уларнинг ишоратлари бўйича, Хожа Муҳаммад Порсо ҳамда Хожа Бурҳонуддин Абу Наср суҳбатларида бўлган эдилар. Улар кучли истиғроққа эга бўлиб, жуда ширин калом эдилар. Суҳбат орасида ўзларидан ғойиб бўлиб қолардилар».

Алоуддин Ғиждувонийнинг кекса бўлишига қарамай чеккан риёзати Хожа Аҳрори Валийни танг қолдирган. Бу ҳақда, чунончи, у шундай дейди: «Бухорога келган вақтимда улар тўқсон ёшда эдилар. Мен уларнинг мулозаматларида бўлар эдим. Бир куни Қасри Орифонга Хожаи Бузург (Баҳоуддин Нақшбанд) қабрларининг зиёратига пиёда бордим. Орқага қайтиб, ярим йўлга келсам, Хожа Алоуддинни учратиб қолдим. «Тунда ўша ерда бўласиз, деб гумон қилгандим», — дедилар. Яна орқага қайтиб мозорга бордик. Хуфтон намози бўлгач: «Ниёзмандлик қил, кечаси ухлама», дедилар. Ўзлари эса оёқларини ўзгартирмаган ҳолда тонггача миқ этмай ўтирдилар. Шунча кексаликка қарамай, бундай ўтира олишга инсонлик кувввати вафо қилиши қийин эди. Мозорнинг шайхи фақир одам эди, хамир овқат келтирди, косанинг каттароғини уларга қўйди. Хожа овқатни тамом ичдилар, бироқ тонгда ташқарига чиқиш ва таҳоратни янгилашга эҳтиёж бўлмади».

Али Сафий Хожа Аҳрори Валий сўзларини келтириб, давом этади: «Мен мозорга пиёда бориб, ярим йўлдан орқага қайтиб жуда чарчаган эдим. Ярим кечадан сўнг ўтиришга тоқат қолмади. Яхшиси, ўрнимдан туриб, уларга ходимлик қиламан, дедим ва бу ишга машғул бўлдим. «Юкни кўтараяпсизми?», — дедилар. «Ўтиришга тоқат қолмади, енгиллашни хоҳлайман, бироз роҳат топдим», — дедим».

Хожа Аҳрори Валий ҳақидаги манбалардан маълумки, ёш Хожа Аҳрори Валийни тоғаси ўқитиш учун Самарқандга олиб келади. Биринчи дарсга кириши биланоқ кўз оғриғи пайдо бўлиб, тузалиши узоққа чўзилади. Ҳар гал дарсга кирса, шу ҳолат такрорланаверади. Охири тоғасига: «Бизни тинч қўйинг, бизнинг йўлимиз бошқа», — дейди, яъни тасаввуф йўлига ишора қилади. Али Сафий «Рашаҳот»да Хожа Аҳрори Валий тилидан худди шундай воқеани келтиради. «Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрори Валий) айтдиларки, — деб ёзади Али Сафий, — Самарқандда кўзим оғриб қолди ва қирқ кунгача чўзилди. Кўп хафа бўлдим ва қайтиб кетишга аҳд қилдим. Мавлоно Саъдуддин Кошғарий йўлдан қайтардилар. Кўнглим Бухоро сари мойил бўлди. Хожа Алоуддин Ғиждувоний билан учрашмоқчи бўлдим. Мен уларнинг мақтовларини хўп эшитган аммо ўзларини ҳануз кўрмаган эдим. Бухорога келдим. Бир куни ташқарига айланиб чиқиб, у ерда бир масжидни кўрдим. Масжидга кирсам, бир нуроний қария ўтирган экан. Кўнглимда ул зотнинг суҳбатига кучли мойиллик пайдо бўлди. Мени яхши қаршилади. Уч кун тинимсиз келдим. Учинчи куни: «Уч кундан буён келасан, суҳбатимизда ўтирасан, мақсадинг нима? Шайх қидириб келган бўлсанг ё каромат талабида бўлсанг, бу ердан тополмайсан. Агар суҳбатимиздан таъсир оламан десанг, ё ўзингдаги тафовутларни биламан десанг, марҳамат», — дедилар. Сўнгра Ҳазрати Азизон — Хожа Али Ромитаний, унга Аллоҳнинг раҳмати ва розилиги бўлсин, қаламига мансуб бўлган мана бу рубоийни ўқидилар:

**Бо ҳар ки нишасти-ю нашуд жамъ дилат,**
**В-аз ту нарамид заҳмати обу гилат.**
**Аз суҳбати ў агар табарро накуни,**
**Ҳаргиз накунад руҳи Азизон беҳилат.**

*

Мазмуни: Ҳар ким билан ўтирсанг, бироқ дилинг дилига тўғри келмаса,

**Сендан башарийлик заҳмати кетмаса,**
**Унинг суҳбатидан юз ўгирмасанг,**
**Азизоннинг руҳи сени ҳеч қачон кечирмайди.**

Масжиддаги бу пир Хожа Алоуддин Ғиждувоний эдилар. Кўнглимга ҳар гал изтироб тушганда Хожа Алоуддин олдиларига бормасам, ором топмас эдим».

Хожа Аҳрори Валийнинг мазкур сўзларидан Алоуддин Ғиждувонийнинг буюк мартабаси кўриниб турибди. Хожа Муҳаммад Порсонинг ўғли Абу Наср Порсонинг сўзлари «Рашаҳот»да келтирилган бўлиб, Хожа Алоуддин Ғиждувоний вафот этганда, у шундай деган экан: «Хожа Алоуддин алайҳир-раҳма бизларга ҳамсоя эдилар ва биз уларнинг иноятлари ҳамда ҳимматларининг соясида омон эдик. Ҳозир улар Ҳақ раҳматига ноил бўлиб, бундан кетдилар, энди бизга қўрқув пайти келди».

Хожа Алоуддин Ғиждувоний ҳам ўз навбатида Хожа Аҳрори Валийга катта баҳо берган экан. Али Сафий бу ҳақда Ғиждувонийнинг энг яқин асҳобларидан бўлган Мавлоно Вадруддиннинг қуйидаги сўзларини келтиради. Мавлоно Вадруддин Самарқандга доимо Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрори Валий)нинг мулозаматига келиб турар экан. Бир гал у асҳобларга шундай дейди: «Ҳазрати Эшон Хожа Алоуддин Ғиждувоний суҳбатларидан туриб кетган пайтларида, Хожа Алоуддин: «Субҳоналлоҳ, бу Хожа Убайдуллоҳ (Аҳрор) эмас, балки янгидан дунёга келган Хожа Баҳоуддин (Нақшбанд) — нинг худди ўзи», — деган эдилар.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

# НЕЧУН БИЗ ОЙНИ ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

Кейинги вақтларда ёшларимиз ўртасида диний-илмий, маънавий муаммоларга эътибор кучайиб турли саволлар билан ўзаро мунозаралар юритмоқдалар.

Ана шундай мунозарали саволлардан бири: нечук биз ойни эъзолаймиз? Бунда қандай ҳикмат бор?

Хўш, нечук!

Кўп қутби олий зотларнинг фикрлари каби:

**— Осмону заминда нарсалар бари,**
**Одамнинг фикридан эмас ташқари**
**— Жаҳон бошдан оёқ ҳикмату-ку ҳикмат,**
**Нечук нафрат бўлибдур бизга хизмат —**

дейилган Низомий Ганжавий, Абул Қосим Фирдавсий каби зотларнинг ҳикматлари мунозарали саволимизга жавоб бўлолмасмикан.

Албатта, тўлиқ эмас!

Маълумки, — дини ислом биргина шариат аҳкомлари билан чекланиб қолмай, балки бутун инсоният оламини юксак маърифатга кўтара билгувчи илмнинг ҳам дўстидир.

Шу сабабли ҳам инсон ўз номи билан мифтаҳ — яъни дунё сир-асрорларини очувчи калит бўлиб, яратилишининг сабаби ҳам Ҳабибнинг (Аллоҳнинг) дўстлигини олий намунасидир. Модомики шундай экан, келинг — биз қўйилган саволга кўра, ана шундай мифтаҳ олий инсоннинг ибрат назаридан четда қолмаган, Аллоҳнинг яратувчилик қудратига тан берадиган самовий мавжудотларнинг (қуёш, ой, ер, юлдузлар) бири — ой ҳақида икки оғиз сўз юритайлик!

Дарҳақиқат, биз нечук ойни эъзозлаймиз?

Нега ой тасвири Қуръони карим китоблари ҳошияларидан, баланд Жоме масжид, мадраса қуббаларидан, минора мезаналаридан жой олган!

Қарангки — мамнуниятимиз чексизки, бу қизиқарли саволга ҳазрат Алишер Навоий ўз вақтларида жавоб айтиб ўтган эканлар.

Ҳазратнинг фалсафий-ахлоқий достони «Ҳайратул-аброр»нинг олтинчи мақолоти ва у зотнинг ҳаётий тажрибалари мажмуаси бўлмиш «Маҳбуб ул-қулуб»да бу саволга дахлдор сўзлар мавжуд.

«Ҳайратул-аброр» олтинчи мақолатининг бош қисмини мутолаа қилиб кўрайлик:

Эй талаб уйида нишаст айлаган,
Қаддини хизмат юки паст айлаган...
... Сарсари ғайратни чу бунёд этиб,
**Ҳирсу тама рахтини барбод этиб,**
**Бўйла тариқики қабул айладинг,**
**Кўйи тараб сори нузул айладинг.**
**Лек бу йўл қатъида шарти талаб,**
**Билки тавозуъ била келмиш адаб.**
**Чунки тавозуъға ҳам ўлди ҳилол,**
**Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол.**
**«Ё»ға тавозуъ сифати берди даст,**
**Қадр ила мусҳаф уза топти нишаст.**
**..........**
**Чарх тавозуъ уза то ҳам дурур,**
**Тобии амри бори олам дурур.**

Энди насрий баёнида:

«Эй талаб уйидан жой олган, қаддини хизмат юки паст қилган одам!... Ўзингда кучли ғайрат шамолини бунёд этиб, ҳирсу тама асбоб-анжомларини барбод қилганинг қилган.

Сен шундай йўлни танлаб (энг асосий) тилагинг кўчасига кирдинг. Лекин бу йўлни босиб ўтишнинг талаб этадиган бир шарти билки, тавозуъ билан адабга эга бўлишдир.

Қачонки янги чиққан ой тавозуъ сақлаб, қаддини ҳам қилди, у кун сайин камол топа бошлади. Ой тавозуъ сифатига эга бўлгани учун қадри ошиб Қуръон устидан жой олди. Осмон ҳам тавозуъга риоя қилиб эгилгани учун бутун олам унинг амрига бўйсунади».

Энди пурмаъно мисраларни ўқиганингиздан сўнг, ўз ибрат назарингиз билан идрок этиб кўринг-а! Модомики — бутун борлиқ оламга тавозуъ — одоб билан долдек эгилиб, таъзим билан кўринган янги ой (ҳилол)нинг камол топиб тўлин ой мақомига эришиши ва яна аста-секин тавозуъ одобини сақлаган ҳолда долдек эгилиб ой кунларининг охирига қайтиши — бу кишилик оламининг дунёга келиши «тавозуъ сифати одоб билан» камол топиши, умрининг сўнгиси ҳам барҳаётлик эканини тушунтиришга ҳожат қоладими? Бор ҳикмат ҳам шундада ёй сифати (шакли) берилиб мусҳафдан (Қуръондан) қадрли ўрин олган Ой сўзсиз Қуръони карим ибратидан нишона ўлароқ — масжид, мадраса гумбазларидан, минора мезаналари тепасига ўрнашади ва бутун исломият оламида тавозуъ — одоб-ахлоқ мезони сифатида қадрланган, эъзозланган, эндиликда ҳам шундай қолади.

Яхшиликка далолат қилгувчи тун маликасининг қадри қиммати ҳам ана шунда, ижрочиси камол топади.

Энди эътиборингизга, улуғ мутафаккирнинг «Маҳбубул-қулуб»да келтирилган тавозуъ ва одоб ҳақидаги, камолотга етакловчи ибратли сўзларини ҳавола этиб мағзини чақишга, қалбларингизга жо қилишга таклиф этамиз.

Ҳазрат Навоий айтадилар:

«Тавозуъ — кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради».

— «Тавозуъ — дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшандан ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади».

— «Тавозуъ — такаббур мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади, гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини уйғотади».

— «Тавозуъ — ҳаёсиз такаббурни уят чегарасига томон йўллайди».

— «Тавозуъ — меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир. Одобсизлик путур етказади».

— «Тавозуъ ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади».

— «Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади».

Шундай қилиб, азизлар, биз кўриб кузатиб турадиган уч самовий мавжудоднинг бири ойнинг (ҳилолнинг) Борлиққа қаддини эгиб тавозуъ билан туриши, гўзал тун маликасининг ҳам, Алишер Навоий айтганларидек, нияти улуғ бўлиши — унинг Қуръондан, масжид-мадраса мезаналаридан жой олишига ва яна, мана беш йилдирки, муқаддас байроғимиз ва давлат гербимиз ҳусни-жамолида ҳурматга сазовор бўлиб туришига амин бўлгандирсиз.

Балли!

Ва ниҳоят келинг энди — янги ой билан эски ойни (тўлин ойдан кейинги ой) бир-биридан фарқлаш йўлини кўрсатиб ўтайлик.

Кузатинг-а!

Агар тун маликаси ёй шаклида бўлиб тескари «с» ҳарфига ўхшаб турса...

Демак ой тавозуъ билан сиз-ла саломлашаётган бўлади. Агар ой «с» шаклида бўлса, демак эски ой тавозуъ билан сиз билан хайрлашаётган бўлади.

Сизларга саломатлик, тавозуъ-одоб тилаб

**Муҳаммад Ҳошим Қобил**
**қори ўғли НАБИЗОДА**

# Туркийлар назаркардаси

«От уч хил иш учундир. Бири савоб, бири парда ва яна бири гуноҳдир. Савоблиси шуки, киши уни Тангри йўлидан ўтлоқда ёки уйида боқса, унга савоб ёзилур. Ўтлаши учун уни яйловда ёки ўз боғчасида боғлаб қўйса, арқони ётган жойгача савоб ёзилаверади. Бойлик ва зориқмаслик учун боқиб, уни парвариш қилиш ва минишдаги Тангрининг ҳаққини унутмаган бўлса, унга шу от дўзахдан парда бўлади. Агар киши уловини фахр ва риё учун боқса, бу билан унга гуноҳ ёзилади», — дея марҳамат қиладилар бир ҳадиси шарифида пайғамбаримиз.

Бизнинг туркий халқлар тарихини отсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунончи, ота-боболаримиз мўъжиза саналмиш бу ҳайвоннинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини биринчилардан бўлиб жуда яхши билган ва уни ардоқлаш, тарбиялаш, ундан фойдаланиш борасида бошқа кўплаб халқларга ўрнак бўлган қавмдир. Бу хусус нафақат бизнинг тарихчиларимиз, балки ғарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилган. Масалан, У. В. Шмидт бу борада олиб борган тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосага келади: «Ўрта Осиёда ерлашиб олган ва ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатишни бошлаган илк қавм турк қавми бўлган. От биринчи марта турклар томонидан қўлга ўргатилган ва турклар отга минган биринчи инсонлар эдилар». Аждодларимиз отни дунёга танитган, бу билан инсоният тарихида муҳим бурилиш ва ўзгариш ясаган қавмдир. Тарихчилар «отли чўпон» ёки «кўчманчи отли маданият» деб аталувчи маданиятнинг ўртага чиқишини ва отнинг қўлга ўргатилишини бевосита илк туркларга боғлаш мумкинлигини, инсоният тарихида эришилган бу муваффақият бошқа қавмлар ва маданиятларнинг ривожланишида катта таъсир кўрсатганлигини қайд этишади. В. Эберхард хитойликлар отга миниш санъатини фақатгина милоддан аввалги 300 йилларда Осиё хунларидан ўрганганлигини айтади.

4-6-аср Ғарб манбалари (А. Маржеллинус, Ш. Гладианус, А. Сидониус, Зимос)га кўра, «Эндигина оёққа турган хун боласининг ёнида эгарланган от тайёр турарди... Хунлар от устида ейишар, ичишар, савдо-сотиқ қилишар, суҳбат қилишар ва ухлашарди. От бошқа қавмларни фақатгина устида олиб юрар, лекин хунлар отнинг устида ҳаёт кечиришарди» (И. Кофесўғли. «Турк миллий маданияти», Истанбул, 1988).

От ота-боболаримизнинг ҳам тўйи, ҳам азасида бирга бўлган. Келинни чиройли қилиб безатилган отда олиб келиш, от ҳадя қилиш одати ҳали ҳануз йўқолгани йўқ. Жаноза маросимида бир отни думини кесган ё боғланган ҳолатда олиб келиниши, ҳатто бир жангчи ўлса, уни эгар-жабдуқли от билан бирга кўмиш аждодларимизда қачонлардир мавжуд удумлардандир. Бинобарин, Бўзқир — турк қавмларига оид қабристонларда, Осиё Хун императорлигига оид қўрғонларда, Ўрта Осиёда олиб борилган қазилма ишлари давомида жуда кўп от суякларининг топилиши ҳам бежиз эмас. Умуман от бошқа ҳайвонлардан эгасига содиқлиги, ақллилиги ва ниҳоят, ўзининг ноёб хислатлари билан ажралиб туради. Масалан, от кўз қорачиғининг нақадар қимматли эканлигини уста хаттотларгина билишади. Гап шундаки, отнинг кўз қорачиғи солиб тайёрланган бўёқ билан ёзилган ёзув ўзининг ялтироқлиги, порлоқлиги ва нафислиги билан ажралиб туради. Бундай ёзув узоқ муддат ўз аслича қолади. Умар Хайём «Наврўзнома»сида ёзади: «Айтадиларки, тўрт оёқлилар ичида отдан яхшиси йўқ, у ўтловчи тўрт оёқлиларнинг подшоҳидир. Расул алайҳиссалом: «Хайр йилқининг пешонасига ёзилган» — деган. Кайхусрав айтадики, менинг подшоҳлигимда отдан қимматлироқ нарса йўқ. Наср бин Сайёр: «От — бу жанг тахти ва қуролининг гулидир», — деган.

Қадимдан Ўрта Осиё от энг кўп етиштирилган ҳудуд бўлган. 1246 йили Папанинг элчиси сифатида Ўрта Осиёни кезиб чиққан Плано Гарпини қуйидагиларни эътироф этади: «Ҳайвонларнинг кўплиги жиҳатидан улар (Ўрта Осиёда яшаган халқлар. — А. Т.) ниҳоятда бой инсонлардир; туя, сигир ва эчкилари бор. Отларга келсак, шу қадар кўп отлари борки, дунёнинг қолган қисмида шунчалар от бўлмаса керак». Милоддан олдинги 49-йилда бир хун оиласининг ўн минг бош ҳайвони ва етти минг оти, милодий 83 йилда бошқа бир оиланинг юз ўн мингта қўй ва сигирларига муқобил йигирма минг оти бўлган. Кўп турклар ва бекларнинг йилқилари эса ҳадсиз-ҳисобсиз эди, дея қайд этилади тарихий манбаларда (Усмон Турон. «Туркий халқлар мафкураси», Т., 1996). Бу отлар сонларининг кўплиги билангина эмас, асосан, наслдорлиги, энг тез югурадиган ва чидамлилиги билан машҳур бўлган отлардир. Чунони, от аждодларимизнинг иқтисодини таъминловчи асосий тижорат моли ҳам ҳисобланган. Улар қўшни давлатларга, чет элларга кўп сонли от етказиб туришган. Хорижда тарқалган бу Ўрта Осиё наслли отлар туркийларнинг шуҳратини дунёга танитган. 1800 йилда Хивага келган рус тожири Абросимов ўз хотираларида қуйидагиларни ёзади: «Хивадалик давримда менга у ердаги арғумоқлар жуда ҳам ёқиб қолган эди. Уларнинг асосий емишлари жўхори бўлиб, отлари нисбатан камтомоқ ва тўрт кунлик йўлни озиқланмасдан босишлари мумкин. Улар фақат минишга мослашган бўлиб, бўйи-басти катта отдай, ингичка, тик қоматли, иякдор, енгил... Бир пуд жўхори арғумоқнинг ўн кунлик емиши бўлиб, унинг баҳоси 70 тийин. Арғумоқларни Хивага туркманлар етказиб туришади ва уларни фақат туркман эгарлари билан минадилар. Қирғиз ва бизнинг казак эгарлари тўғри келмайди. Арғумоқ тез югурганда худди қуёнга ўхшаб бор гавдаси билан чўзилади. Ва бизнинг энг чопағон рус отларидан икки марта тез югуради; улар ювош ва ақлли бўлиб, дарёлардан дадил сузиб ўтадилар, вафодор ва уюрларда қўлга тез ўрганадилар. Бу ерларда бир арғумоқ учун юз сўм ва ундан ҳам ортиқ тўлайдилар» («Поездка торговца Абросимова в Хиву», Санкт-Петербург, 186, стр. 96).

Маълумки, бизнинг туркий халқлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг азалий, нодир санъати, ҳунари, анъаналарини сақлаб қолишга интилган ва кўпинча бунга эришган ҳам. Жумладан, аждодларимиз от тарбиялаш санъати яловини ҳеч қачон қўлидан туширган эмас. Аббосий халифларидан Мўътасим, Восиқ ва Мутаваккил замонларида (840-860) араб давлати идорасидаги турк қўшинларнинг сони ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Халифалар айни пайтда отларни тарбиялаш ишини туркларга топшириб қўйишган. Ота-боболаримиз Ислом динини қабул қилгандан кейин ўзлари билан от миниш, тарбиялаш санъатини ҳам Яқин Шарққа олиб кирдилар. Бу даврда «Аспи турк» (Турк оти) жуда машҳур бўлган. Усмон Турон «турк от маданияти» билан бирга иғдиғ (бичиш), ялғиз (коратўрик) улоқ, ём, ёмби, йилқи каби сўзларнинг араб ва форс тилларига ўтганлигини қайд этади. Шу ўринда отнинг луғат бойлигимизга ҳам катта «ҳисса қўшганлигини» алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, тилимизда от билан боғлиқ кўплаб калималар мавжуд. Бу калималарнинг аксарияти маълум гуруҳ орасидагина маълум. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий «Девони луғотит турк» асарида отга алоқадор юздан ошиқ сўзларнинг изоҳини беради. «Отли кўчманчилик маданияти, жумладан, кўпинча от устида юриш, от эти ва сути истеъмол қилиш, доимий ҳаракат, айни пайтда Ўрта Осиёлик инсонларнинг ўзига хос соғлом ва бақувват вужудли бўлишларига сабаб бўлган.



От аждодларимизнинг тарихида фақатгина оддий улов эмас, энг яхши жанг қуроли ҳам эди. От туфайли турк ҳоқонлари ҳудудларини кенгайтирдилар, зафарларга эришдилар. Зеро, азалдан аждодларимизнинг сиёсий ташкилоти ва қўшин қобилияти кучли эди. Чунки улар биринчи бўлиб отдан муҳораба (жанг) воситаси ўлароқ фойдаландилар. От устида жанг қилиш, «чавандоз қиёфати» деб ном олган кийимлар ҳам аждодларимизнинг ижодидир. Тарихий манбалар Ўрта Осиёлик аёлларнинг ҳам отда жанг қилиш санъатини яхши эгаллаганликларини хабар бермоқда.

Отнинг аждодларимиз учун муҳим жанг қуроли, энг яқин йўлдош бўлганлигини, туркий халқларнинг қадимги ёзма ёдгорликлари ҳам исботламоқда. Бу ёдномаларда от боқиш, унинг тарбияси, турк ҳоқонларининг зафар қозонишларида отнинг ёрдами таъкидланади. Жумладан, турк ҳоқони Элтаришнинг кичик ўғли Култегин қабрига қўйилган битикда (Ўрхун битикларидан) Култегин урушларда минган отларнинг сифатлари, номлари алоҳида айтиб ўтилади. Култегин «...энг аввал Тадқан Чурнинг Бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Иккинчи бор, Ишбара Ямтарнинг Бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Учинчи бор Еган Селиг бекнинг тўриқ отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди». Бу каби ҳарбий юришларда Култегиннинг Байирқун, Алп Шалчин, Азман, Ўгсизларнинг оқ отини, Азнинг кулранг отини минганлиги ҳикоя қилинади.

Ўрхун битикларидан анча олдин фанга маълум бўлган «Енисей битиклари» ҳам замонасининг машҳур шахслари, уларнинг ҳаёти, душманга қарши қаҳрамонлиги каби лавҳалардан иборат. Эътиборли томони шундаки, вафот этган шахс тилидан, унинг яқин қариндошларининг авлодга изтироб, ачиниш билан айтган гапларида ўша шахс отларидан айрилганлиги эслатилади:

Менга қарайдиган Агук Қатун
еримдан айрилдим.
Тангрили давлатимдан, ўғилларимдан,
қизларимдан
олти минг йилқимдан айрилдим.
Ҳоқонимнинг тулпори, қора халқи,
машҳур қаҳрамонларим,
...қиз-келинларим(дан) айрилдим.
(Уюқ Туран ёдномаси)

Қадимги турклар машҳур отларда қанот борлиги, бинобарин бундай отларнинг учишига ишонишган. Элигешдан топилган ёдномада ҳам (Енисей битиклари):

Учар отларимдан айрилиб,
Қора халқимни йўқотдим,
йўқолиб кетдим мен, —
дейилади.

Хуллас, бу жонивор халқимиз миллий этник қадриятларини ташкил этувчи муҳим унсурлардан биридир.

**Абдумурод ТИЛОВОВ**



Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0668.
3041 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6